

В.С.Хамидов, К.И.Сирохиддинов, Н.И.Умархонов,  
Қ.А.Исмоилов, Ҳ.Е.Турсунбоев, З.С.Абдуллаев

# ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

---

Хамидов В.С., Сирожиддинов К.И., Умархонов Н.И.,  
Исмоилов Қ.А., Турсунбоев Ҳ.Е., Абдуллаев З.С.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА  
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

/МОНОГРАФИЯ/

Тошкент – 2018

Ушбу монография институт илмий кенгашининг 2018-йил 29-мартдаги 8-сонли  
мажлисида чоп этишга тавсия этилган

Хамидов В.С., Сирожиддинов К.И., Умархонов Н.И.,  
Исмоилов К.А., Турсунбоев Х.Е., Абдуллаев З.С.

## ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУХИТИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

/Монография/Т.:ТИҚҲММИ, 2018.116 бет

Мазкур монография электрон таълим мухитида касбий компетентликни такомиллаштириш масалаларига багишланган. Тадқикот олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий компетентлиги, уни узлуксиз ошириб бориш зарурияти ва унда электрон таълим мухитининг аҳамияти, электрон таълим мухитида касбий компетентликни оширишининг устивор йўналишлари ва бу орқали таълим сифатини ошириш масалаларига каратилган. Айни пайтдаги глобаллашув жараённида республикамиз олий таълим муассасалари электрон таълим мухити имкониятларидан фойдаланган холла профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ошириш долзарб вазифадир. Лойихада илгор хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, касбий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари, электрон таълим ресурсларидан унумли фойдаланган холла ўкув жараёнини ташкиллаштириш, хусусан, талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятиларидаги компетенцияларини такомиллаштиришда ООOK, Blended learning, масофавий таълим технологиялари имкониятларидан фойдаланиш усуллари ва таълим сифатини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Лойихада, шунингдек, электрон таълим мухитининг турли соҳаларда кўлланилиши борасидаги тахлилий тадқикотлар ўрин олган.

This monograph work is dedicated to the issues of developing professional competences in e-learning environment. Research is directed to the professional competence of teachers, its consistent development and the essence of e-learning environment and its impact on teachers' professional competences. In current globalization processes, it is vital to develop teachers' competences by using e-learning environment.

Project includes worked-out recommendations on using leading foreign experiences, theoretical-methodological basis of developing professional competence, organizing learning processes by using e-learning resources, particularly, on the methods of using the capabilities of MOOC, Blended learning and distance-learning technologies on developing students' competences during independent learning activities. In addition, the project contains analytical researches on the utilization of e-learning environment in different spheres.

**Масъул мухаррир: "Ахборот технологиялари" кафедраси  
профессори, Г. Шодмонова**

Тақризчилар: -ф.-м.ф.д., профессор Ш.А. Сайдуллаева  
-п.ф.д., профессор З.К.Исмоилова

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ (ТИҚҲММИ), 2018**

“Аслида замонавий таълим методлари муқаддас қизиқувчанликни ҳозирча батамом бўғиб ташламагани деярли мўъжиза, чунки бу нозик нуҳол (яъни қизиқувчанлик) разгатлантириши билан бир қаторда, энг аввало, эркинликни талаб қиласди, йўқса, у шаксиз, маҳв бўлади”.

А.Эйнштейн

## КИРИШ

Олий таълим муассасаларининг энг асосий максади олий таълим сифатини таъминлаш, яъни сифатли, ракобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Ахборотларнинг тезкор янгиланиши даврида ҳар бир олий таълим муассасасида таълим сифати масаласи, таълимнинг сўнгти янгиликлари, техник воситалар ва технологиялар билан бойитилиши, таълимнинг замонавий ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви мухим ахамият касб этмоқда. Таълим сифатини таъминлашнинг энг асосий компонентларидан бири бу профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини таъминлашдир. Таълим таракқиётининг кейинги истиқболи кўп жихатдан таълим берувчиларнинг касбий компетентлиги масаласи билан боғлик бўлиб бормоқда. Ахборот аспи ҳар бир педагогдан АҚТ бўйича етарли билим ва малакага эга бўлишни талаб этмоқда. Глобаллашув ва ахборот алмашинуви жадал бораётган шароитда жаҳон тажрибасида ўзини оклаган таълим моделларида таълим сифатини таъминлашга каратилган усулларни ўрганиш ва уларни миллий таълим тизимига мувофиқлаштириш бўйича изланишларни амалга ошириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан хорижий тилларни ўрганиш бўйича белгиланган вазифалар негизида халқаро майдонга чикиш ва тегишли соҳаларда илгор тажрибалар, халқаро стандартларни ўрганиш ва уларни миллий тизимда кўллаш ётади.

Таълим жараёнида электрон таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш ва педагог ходимларнинг касбий компетентлигини ошириш алоҳида эътибор талаб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга

Мурожаатномасида таълимнинг ракобатбардош бўлишилиги тўғрисида куйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида ракобатбардош бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида кўрсатилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”нинг тўртинчи Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бобининг 4.4 бандида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юкори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш масаласи баён этилган. Жумладан, олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўкув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураг жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортик маблағ эса ўкув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда *ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришига* сарфланади.

Бугунги кунга келиб, олий таълим соҳасида олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлако янги, такомиллаштирилган тизим жорий килинди. 15 та таянч олий ўкув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари фаолият юритиб келмоқда. Лекин замон талаблари харажатларни минималлаштирган ҳолда юкори даражадаги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2017 йил, 23 декабр.

сифатга эришиш масаласини биринчи ўринга қўймокда. Бунинг учун эса электрон таълим мухитидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Касбий компетентликни ошириб бориша электрон таълим мухитидан фойдаланиш — педагог ходимларнинг ортиқча харажатлар ва эмоционал-психологик зўрикишларсиз юкори самарадорликка эришишларини таъминлайди. Жамиятнинг тезкор ривожланиши глобаллашув жараёнида касбий компетентликни ошириш ва бу оркали таълим сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишни талаб қилади. Ишчи гурухимиз томонидан тайёрланган ушбу лойиҳа бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири хисобланган электрон таълим мухитида касбий компетентликни такомиллаштириш масалаларини тадқик этишга қаратилган.

Таълим тизимида педагогик кадрларнинг электрон таълим мухитида касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёни. Таълим тизимида касбий компетентликни ривожлантиришда электрон таълим мухити технологияларидан, жумладан: оммавий очик онлайн курслар, blended learning ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари** педагог кадрлар касбий компетентлигини такомиллаштиришда электрон таълим мухити имкониятларидан фойдаланишнинг устивор йўналишларини ишлаб чикишдан иборат.

Юкоридаги мақсаддан келиб чикиб куйидаги **вазифаларни** бажариш кўзда тутилади:

- касбий компетентлик тушунчаси ва унинг электрон таълим мухитида ривожлантириш заруриятини асослаш;
- электрон таълим мухитининг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини ёритиб бериш;
- электрон таълим мухитини шакллантиришнинг ҳукукий асосларини тавсифлаш;
- онлайн ўкув курслари асосида касбий компетентликни ошириш имкониятларини ёритиш;

- Ўзбекистон таълим тизимида онлайн ўкув курсларини ташкил этиш орқали касбий компетентликни таъминлаш;
- профессор-ўқитувчиларнинг онлайн ўкув курсларидан фойдаланиш кўнималарини шакллантириш;
- Blended Learning таълим технологиясида касбий компетентликни шакллантириш;
- анъанавий ва электрон таълим (ёки Blended Learning)нинг ўзига хос хусусиятлари хамда уларнинг киёсий таҳлилини ўтказиш;
- илғор хорижий тажрибалар орқали касбий компетентликни такомиллаштириш, Blended learning ва масофавий таълим технологияларининг афзалликлари ҳамда имкониятларини очиб бериш;
- турли таълим соҳаларида фаолият юритаётган педагог-кадрларнинг электрон таълим мухитида касбий компетенцияларини ошириш;
- замонавий таълим тизимида педагогларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришни электрон таълим мухитида ташкил этиш бўйича тавсия, хуласа ва таклифлар тайёрлашдан иборат.

Лойихада “Таълим тўғрисидаги” Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, нутклари ва маърузаларида таълимни модернизациялашга доир ёндашувлари, Хукумат қарорлари, хорижий замонавий илғор педагогик тажрибалар, илмий тадқиқот ишланималари ўрганилган. Шунингдек касбий компетенцияни такомиллаштириш юзасидан ривожланган мамлакатлар тажрибаси ёритилган. Мавзу бўйича амалга оширилган илмий-методик тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасида касбий компетентликни такомиллаштириш масалалари М.Кларин, К.Селви, Н.Назарова, А.Маркова, Л.Зимняя, О.Мусурмонова, М.Мирсолиева, О.Маллаев, М.Усмонбоева, Ў.Толипов, Н.Шамшиева, Б.Тошбоева ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Электрон таълим мухитида касбий компетентликни такомиллаштириш нисбатан янги йўналиш бўлганлиги сабабли кам ўрганилган, шундай бўлса-да, ўрганилаётган ва тадқик килинаётган

муаммонинг назарий ва амалий томонларининг айрим кирралари билан хорижда Д.Комъер, С.Даунс, К.Г. Скрипкин, Л.Бреслоу, Д.Пritchard, Ж.Дебоуэр, А. МакАули, Б.Сюварт, Г.Сименс, Д.Кормиер, Л.Паппано, С.Мак, Р.Уилямс, Ж.Макнис, Д.Сименслар, Ж.Хофман, Н.Майнег ва М.Сакер, республикамизда эса масофавий таълим, оммавий онлайн очик курслар ва Blended learningдан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини такшиллаштириш мавзуси бўйича У.Бегимқулов, В.Хамидов, У.Мирзалиев ва бошкалар тадқикот ишларини олиб боришган. Тахлил натижаларидан аён бўлдики, олий таълим тизимида оммавий онлайн очик курслардан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Монографиянинг ёзиш жараёнида ООOK, Blended learning ва масофавий таълим технологиялари ёрдамида педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали таълим сифатини оширишга тегишли бўлган назарий маълумотлар ўрганилди, тизимлаштирилди ва тахлил килиниб тегишли хуносалар шакллантирилди. Лойиха натижалари келгусида шу мавзуни ўрганувчи, тадқикот ишлари билан шуғулланувчилар учун асос сифатида хизмат килиши ишнинг назарий аҳамияти бўлса, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш максадида илғор хорижий тажрибалар ва нуфузли университетлардаги ўкув модулларини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар таълим сифатини таъминлашда мухим аҳамият касб этиши лойиха ишининг амалий аҳамияти ҳисобланади. Шунингдек, лойиха иши доирасида берилган таклиф ва тавсияларга амал килинганида мамлакатимизда мавжуд малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари учун килинадиган сарф-харажатлар таҳминан 7,7 баробар иктисад килиниши мумкинлиги ва бундан ташқари ижтимоий самарадорликка эришилганлиги ишнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

# **І БОБ. КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУХИТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Касбий компетентлик тушунчаси ва унинг электрон таълим мухитида ривожлантириш зарурияти**

Глобаллашув, халқаро иктиносидий интеграция, халқаро меҳнат тақсимоти жараёнлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг юкори даражадаги автоматизацияси мавжуд таълим хизматлари бозорига ўзининг тамомила янги ва динамик тарзда ўзгариб бораётган талабларини ўрнатиб келмоқда. Шу боис, таълим жараёнини ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш тизимининг энг муҳим элементи хисобланган профессор-ўқитувчилар компетентлигини юксалтириш, кун тартибидаги энг муҳим масалалардан биридир. Нафакат маҳаллий, балки жаҳон меҳнат бозорида ракобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, таълим тизими педагог ходимларидан юкори даражадаги касбий компетентликка эга бўлиш, уни доимий ва изчил равишда ошириб боришни талаб этмоқда.

Ҳар бир тадқиқотда бўлгани каби биз, энг аввало, таянч категорияларга, хусусан, “компетентлик”, “касбий компетентлик”, “электрон таълим” ва “электрон таълим мухити” категорияларига ойдинлик киритиб олишимиз лозим. “Компетентлик” (инглизча “competence” – “қобилият”) – амалий фаолиятда назарий билимлардан самарали, юкори касбий малакага эга бўлиш, маҳорат ва иктидор ҳамда ижодкорликни намоён эта олиш қобилиятидир.


“Компетентлик” тушунчасига олимлар, мутахассис ва тадқиқотчилар томонидан бир катор таърифлар берилган. Уларни умумлаштирган ҳолда компетентликни муваффақиятли фаолият юритишга умумий қобилият ва касбий тайёргарликда намоён бўлувчи билим, тажриба ва кўникмаларга асосланган интеграллашган бир катор сифатлар мажмуи деб таъриф бериш мумкин. **Фикримизча**, компетенция ва компетентлик тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, билим, малака ва кўникма тушунчаларини ўзида

мужассамлаштиради, шахснинг максадга йўналтирилганлиги, муаммоларни чукур хис кила олиши, синчковликни намоён этиши, креатив фикрлашга эга бўлиши каби сифатларни ўз ичига олади<sup>2</sup>.

ОТМда касбий компетентлик — профессор-ўқитувчи томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, қўнікма ва малакаларнинг керакли даражада эгалланиши ва уларни амалий фаолият — таълим жараёнида юкори маҳорат билан қўллай олиннишидир.

А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган илмий изланишлар бевосита педагогнинг касбий компетентлиги ва унинг ўзига хос бошқа сифатларини ўрганишга йўналтирилган. Б.Назарова томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра касбий педагогик компетентликнинг куйидаги турлари санаб ўтилади<sup>3</sup>:

- махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юкори даражада ташкил этиш);
- аутокомпетентлик (ўзини ижтимоий-касбий ривожлантира олиш);
- экстремал касбий компетентлик (кутилмаган вазиятларда ишлай олиш);
- ижтимоий компетентлик (касбий фаолиятни хамкорликда ташкил этиш, ижтимоий масъуллик).



### 1.1.1-расм. А.Р.Маркова таснифи бўйича педагог компетентлиги турлари<sup>4</sup>.

“Касбий компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига бир катор илмий-амалий тадқиқотлар, ижодий ва психолого-изланишларнинг натижаси

<sup>2</sup>Маллаев О. Янги педагогик технологиялар. Т. 2000. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта // М.: Знание, 1989 / Новое в жизни, науке, технике. Сер. “Педагогика и психология”. № 6. Шамшиева Н.Н. Стратегия инновационного развития высших учебных заведений в условиях интеграции “ВУЗ-производство”. Монография. Т.: “Iqtisodiyot”, 2016. С.156. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Т. 2005.

<sup>3</sup>Назарова Н.М. Специальная педагогика. М.: “Академия”, 2005. С 345-346


<sup>4</sup>Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996. стр 18.

сифатида кириб келган. Жумладан, Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраевлар томонидан ўтказилган тадқикотларда касбий компетентликка куйидагича таъриф берилади: “Касбий компетентлик—мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юкори даражада қўллай олиниши”<sup>5</sup>. Демак, касбий компетентлик профессор-ўқитувчи томонидан нафакат алоҳида билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланишини, балки хар бир таркибий қисм бўйича тегишли билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг сифатли ўзлаштирилишини ҳам назарда тутади. Шунингдек, касбий компетенция ўзининг мутахассислиги бўйича билимларни доимо бойитиб боришни, ахборотларни ўрганишни, замон талабларини англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни кайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик касбий компетентликка эга бўлишларининг асоси сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- доимий тарзда ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- ахборот воситаларидан фойдаланиб янги ахборотларни ўзлаштиради;
- замонавий талабларни чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларга креатив ёндашиб, кайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди;
- мураккаб жараёнларда ноаник вазифаларни бажаради ва тўғри карорлар қабул киласди;
- бир-бирига зид маълумотлардан оқилона ва ўринли фойдаланади;
- кутилмаган вазиятларга мослашувчан харакат режасига эга бўлади (1.1.2-расм).

<sup>5</sup>Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари /. – Тошкент, 2015. – 5 бет.

Касбий компетентлик масалалари, айни пайтдаги педагогика, психология, социология ва менежмент соҳасида фаолият юритаётган талқиотчиларнинг диккат марказидаги масалалардан бири бўлиб келмоқда. Уларнинг фикрларини умумлаштирган холда касбий компетентлик асосининг ўзига хос моделини таклиф этиш мумкин. Тавсия этилган моделда келтирилган параметрларни ўрганган холда, улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ва бир-бирини тўлдириш хусусиятлари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан, турли шарт-шароитларга мослаша олиш, бир вақтнинг ўзида, замон талабларини тұғри англаш ва карор қабул қилиш билан боғлиқдир. Замонавий профессор-ўкитувчининг касбий компетентлигига бевосита боғлиқ бўлган яна кўплаб хусусиятларни келтириш мумкин. Айни пайтда, замонавий ҳар томонлама ракобатбардош педагог моделини яратиш эмас, балки ана шундай педагог ва бошқарувчи ходимларни тайёрлаш моделини яратиш лозим. Бу педагог ва бошқарувчи ходимларнинг муваффакиятли ва доимий ривожланиш имкониятига эга бўлишини таъминлаб беради.



**1.1.2-расм. Касбий компетентлик асослари модели.**

Жадал ривожланишда давом этаётган тараққиёт миллий таълим тизимиға ва унинг сифатига тобора қатъий мезон ва талабларни ўрнатиб

келмокда. Замон талаблари билан ҳамнафас ҳолда кадам ташлаб бориш кўп жиҳатдан АКТ имкониятларидан кенг фойдаланишини тақозо этмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш, бу борадаги энг муҳим жиҳатлардан бири саналади. Замонавий ахборотлашган жамият педагог кадрлар тайёрлаш сифатига алохида талаблар кўяди. Замонавий педагог кадрлардан ИНТЕРНЕТнинг ахборот ресурсларидан мақсадли фойдалана олиш, мустакил билимларни олишлари жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари имкониятларини жорий этиши талаб этилади<sup>6</sup>.

Бугунги кунда электрон таълим жадал ривожланувчи соҳа хисобланади, унинг ривожланиши 1980 йилларданок (масофадан ўқитиш ва телевизион курслар шаклида) бошланган. Технология тараккиётининг изчил ривожи, таълим жараёнида масофадаги фаркни тамомила сезмаслик, талаба ёки тингловчини худди аудитория ичидаги хис киладиган даражадаги дастакларни таъминлаб берди. Электрон таълим бир вактнинг ўзида аудио, видео, слайд-шоу, Word ва PDF хужжатлари кўринишидаги ва турли форматдаги материаллар билан яқиндан танишиш имконини беради. Чат ва форумлар оркали вебинарларни ўтказиш ва ўқитувчилар билан мулокотда бўлиш фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш имкониятлари амалга оширилади. Таълим олиш ва малака оширишда “e-Learning” тизимлар (ўқитишини бошқариш тизими ёки LMS сифатида) ва “on-line” курслар етказа олиш имконига эга бўлган методлари мавжуд. Дастаклар ёрдамида “on-line” курсларни ва автоматик адаптив тестларни яратиш учун материаллар тўплами каби турли жараёнлар автоматлаштирилган бўлиши мумкин. Электрон таълим ундан фойдаланувчилар узлуксиз таълимни одатий, кундалик хаёт тарзига айлантириш имконини берадиган қулай ва иктисодий самарадорлиги юқори (кўп холларда бепул) ечим хисобланади. Электрон таълим, ҳаттоқи, иш билан банд бўлганларга ҳам кейинги

<sup>6</sup>Стражев В.И. Технология информационного общества /В.И.Стражев// Интернет и современное общество: Материалы Всероссийской объединённой конференции. Санкт-Петербург, 20-24 ноября 2000. С292.

фаолиятларини ривожлантириш ва янги малакаларни хосил килиш имконини беради<sup>7</sup>.

Таълим соҳасидаги мухим ўзгаришлар интернет пайдо бўлиши ва унинг ҳаётимизга изчил тарзда кириб келишидан кейин содир бўлди. Технологик тараккиётнинг мухим ютукларидан бири саналувчи смартфонлар (акли телефонлар)дан фойдаланишни, матнли хабарларни жўнатишни ва интернетдан фойдаланишни деярли ҳамма яхши билади, шунинг учун “on line” курсларда иштирок этиш ва ишлаш оддий холат хисобланади. Эълонлар тахтаси, ижтимоий тармок ва коммуникация интернетининг бошка турли воситалари фойдаланувчиларига “on-line” курсларда булиш ва ўрганилаётган курсга боғлик бўлган масалаларнинг умумийлик хиссини тъминлаган ҳолда, муҳокама килиш имконини беради.

Дидактика нуқтаи назаридан мухим аҳамият касб этадиган, электрон таълим ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали самарадорликка эришиладиган методик мақсадларга:

- ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- тескари алока орқали ўкув фаолиятининг назоратини олиб бориш;
- ўз-ўзини назорат килиш ва баҳолаб бориш;
- ўкув материалини ўзлаштириш жараённида машқ килиш ва мустакил тайёргарликни ташкил этиш;
- ўкув жараёни вактини тежаб қолиш;
- ўкув ахборотларни АКТвоситалари орқали визуаллаштириш;
- ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- компютерда лаборатория машғулотларини бажариш;
- ахборот маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ўкишга қизиқишини орттириш;
- таълим олувчини ўкув материалининг ўзлаштириш стратегияси билан куроллантириш;

<sup>7</sup> E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC.2013. P. 4-15

- фикрлашни, креативликни ривожлантириш;
- оптимал қарор қабул килиш малакасини шакллантириш;
- таълим олувчида ахборот ва ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш кабиларни киритиш мумкин.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши — бу инсоннинг турли соҳаларда мақсадли мустакил фаолият асосида интеллектуал ва ахлокий ривожланишидир. Бунда З та асосий вазифага эътибор каратилади:

1. Таълим тизимини ислоҳ этиш.
2. Мустакил фаолият тамоилини таълим ва тарбиянинг асосий тамоилили сифатида эътироф килиш.
3. Таълим жараёнинг замонавий ахборот технологияларини жорий этиш<sup>8</sup>.

Касбий компетентликни электрон таълим мухитида ривожлантириш зарурияти:

- энг аввало, таълим хизматлари бозори нафақат миллий даражада балки жаҳон микёсида ракобатнинг тобора кучайиб бораётганлиги;
- таълим жараёнини таълим олувчиларнинг эҳтиёжи, имконияти, билим даражаси ва уларнинг таълим олиши вақтини мустакил белгилашига мослашиб бораётганлиги;
- касбий компетентликнинг ошириш масаласи таълим сифати билан бевосита алоқадорлиги;
- таълим олувчиларга дунёвий билимларни бериш, зарурий малака ва кўникмаларни эгаллашида педагог ва раҳбар ходимлар масъулиягининг ошиб бориши;

<sup>8</sup>Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг илмий-назарий асослари. Монография. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти 2007. 14-15 бетлар.

- таълим олувчиларда ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш оркали фан соҳасидаги ўзгаришларни чукур даражада ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши;
- ўкув фаолиятини ташкил этишининг хилма-хиллиги хисобига таълим олувчининг мустакил фаолияти доираси кенгайиб бораётганлиги;
- интерфаол мулокот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўкув жараёнининг индивидуаллашуви ва дифференциясига талабнинг ортиши;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланишга бўлган кизикишнинг ортиб бораётганлиги, мустакил ўзлаштириш стратегиясини эгаллаш имкониятининг мавжудлиги;
- жамиятнинг хар бир аъзосида ахборот маданиятини шаклланиб бораётганлиги;
- ўрганилаётган жараён ва ходисаларни ахборот технологиялари воситасида тақдим этиш – таълим олувчиларда кизикиш ва фаолликни ошириш воситаси саналиши билан изохланмокда.

## **1.2. Электрон таълим мухитининг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги аҳамияти**

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, мамлакат таракқиётининг объектив конуниятлари, нафақат иқтисодий салоҳият ва имкониятларни, балки таълим тизими, ундаги миллий қадрият ва хусусиятлар, маънавий бойликларини тўла хисобга олувчи, мукаммал ижтимоий-иктисодий сиёsat ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган шароитдагина барқарор ва мутаносиб ривожланишга эришиш мумкинлигини кўрсатмокда. Шубҳасиз, амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, судхукук, кўйингки, барча соҳаларда, хусусан давлат ва жамият курилишини модернизациялаш босқичида таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Мустакиллик йилларида биринчи Президентимиз И.А.Каримов бошчилигига “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг хаётга татбик этилишида, мазкур дастурнинг мантиқий давоми бўлган “Мактаб таълимини

ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” хамда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарор ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилаётган ишларимиз замирида фарзандларимизни комил инсонлар килиб тарбиялаш орқали юртимиз тараккиётининг мустаҳкам пойдеворини ўрнатиш, унинг буюк келажагини бунёд этишдек эзгу мақсад ётади.

Ана шу эзгу мақсадни изчиллик билан амалга ошириш давомида таълим тизимида бир канча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Буларнинг ичида электрон таълимнинг ривожи, унинг имкониятлари билан боғлик инновацион ишланмаларни алоҳида таъкидлаш ўринли. Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот асримизда талаба-ёшларимизга билимларни кисқа фурсатда масофавий етказишда электрон таълимнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Дунёвий интилиш шуни кўрсатадики, келажакнинг курилиши таълим жараёнининг моделларига боғлик. Бу моделлар ўз ичига турли воситалар, услублар, технологиялар ва масофавий таълимни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан жамиятни ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий ва ижтимоий мухитга, хусусан, таълим тизимига кенг татбик этиш билан боғлик долзарб масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда.


Мустакиллик йилларида республикамизда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, ОТМлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меъёрий хужжатларни боскичмабоскич такомиллаштириб бориш орқали таълим сифатини юкори даражага кўтариш, тайёрланаётган мутахассисларни замон талабларига мос, рақобатбардош қилиб тарбиялаш масаласи мамлакатимиз таълим тизимида устувор вазифа этиб белгиланди. Шунингдек, хозирги кунда мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар сифатини юкори погонага кўтариш, мутахассисларнинг жаҳонда рақобатга бардош бериши, келгуси

хаётда ўз ўрнини мустакил топа оладиган, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўз хиссасини кўша оладиган ёшларни тарбиялаш ишларига жуда катта эътибор қаратилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак” деб номланган маъruzасида таълим ва илм-фан, ёшларга оид сиёsatни амалга оширишнинг қуидаги вазифалари белгилаб берилган:<sup>9</sup>


- **Биринчи вазифа** – мактабгача таълим соҳаси. Ушбу соҳа болаларини камраб олиш 27%ни ташкил этади, шунингдек тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб қилган холда ўкув режа ва дастурларни тубдан қайта кўриб чикиш зарур.
- **Иккинчи вазифа** – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўкув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замоновий ўкув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолат масалалари ва хакикий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган мухитни яратиш зарур.
- **Учинчи вазифа** – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-хунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир худуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниклашни танкидий таҳлил килишdir.
- **Тўртинчи вазифа** – нафақат академик илм фанни, балки олий ўкув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш.

<sup>9</sup>Ш. Мирзиёев. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 йил.



- **Бешинчи вазифа** – китобларни чоп этиш ва таркатишдаги муаммоларни ҳал килишдир.

**2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури**




### **1.2.1-жадвал. Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури.**

Хукуматимиз томонидан таълим тизимини янада ривожлантириш борасида кабул килган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури” соҳада янги даврни бошлаб берди (1.2.1-расм). Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият умумтаълим мактаблари, қасб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, маърифат масканлари ZiyoNET жамоат таълим ахборот тармоғига уланган. Дарс ва ўкув машгулотлари давомида илгор мультимедиа технологиялари кенг кўлланилмоқда<sup>10</sup>. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Ўкувчининг электрон кундалиги” ва “Ўзбекистонда электрон китоб – “Jet Book”лардан фойдаланиш” лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилаётгани таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш, ўкувчиларнинг ўзлаштириши ва билим даражасини доимий таҳлил этиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Алока ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим

<sup>10</sup>Мустафакулов Ш.И. Таълим сифатини юксалтиришда “электрон таълим” тармоғининг имкониятлари “Иктиносидёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил.

вазирлиги хамкорлигидаги “Ўзбекистон Республикасида “Электрон таълим” миллий тармогини яратиш” лойиҳаси асосида жорий йилда барча олий таълим масканлари, “Истеъдол” жамғармаси, илмий-маърифий муассасалар ягона “Электрон таълим” тармогига уланди.



#### 1.2.2-расм. Электрон таълим мухитини шакллантиришнинг техник-технологик таъминоти борасидаги ишлар.

Электрон таълим мухитининг таълим сифатини оширишдаги ролини тўғри англаган ҳолда, давлатимиз томонидан унинг техник-технологик таъминоти борасида бир катор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Айнан Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг харакатлар стратегиясида ҳам бунга алоҳида ўрин берилган (1.2.2-расм.) Зеро, биз бугун глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Техника-технология катта тезликда ривожланмоқда. Глобаллашув билан бир каторда, ахборот ва ғоявий хуружлар шакли ва кўринишлари кўпаймоқда. Шу билан бирга, миллий ўзлик, миллий менталитет ва ўзига хослик жиҳатларини таълим ва тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлиши ҳам зарурдир. Чунки, айнан шу омиллар мафкуравий иммунитетнинг айрим жиҳатларини ўзида ифода этади. Давр ёш авлод

тарбиясида мазкур жиҳатларнинг барчасини эътиборга олишни тақозо этмокда. Шундай экан, мамлакатимиздаги таълим тизими кейинги йилларда хам доимо замон талабларига мос равиша тараккий этиб боравериши зарурий ҳолатдир. Зеро, биз таълим тизимини ривожлантирап эканмиз келажакдаги жамиятимизни энг олий кадриятлар ва халқимиз истаклари йўлида тараккий этишини таъминлаймиз. Қолаверса, дунё тараққиётини бир жойда тұхтаб колмайди. Шунинг учун таълим тизимини доимо ислоҳ этиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш бугунги куннинг мухим талабидир. Бу эса ўз ўрнида замонавий педагог-кадрларни тайёрлаш жараёнинга ва уларнинг малакасига бўлган талабларни кўчайтиришни талаб этади.

Президентимиз белгилаган вазифалардан келиб чишиб, кадрлар тайёрлаш соҳасида ишлайдиган профессор-ўқитувчилар электрон таълим мухитидаги компетенцияларини ошириш борасида қўйилган қўйидаги ишларни алоҳида таъкидлаш лозим, деб хисоблаймиз:

1. Таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ахборот коммуникацион технологиялар, хорижий тиллар ва бошка маҳсус фанлардан профессионал билим даражаси ва тажрибасини узлуксиз ошириб бориш.

2. Илғор хорижий университетларнинг электрон таълимни ривожлантириш борасидаги тажрибасини доимий ўрганиб бориш, тажрибаларини ўрганиш асосида фанлар бўйича замонавий ўкув режа, фандастурлари ва уларга мос ўкув-услубий мажмуалар тайёрлаш.

3. Ўқитилаётган мутахассислик фанларидан ташкил этилган “on-line” курсларининг киёсий таҳлилини амалга ошириш ва талабаларни улар билан таништириб бориш.


4. Таълим жараёнини АКТ ёрдамида такомиллаштириш, бу нафакат назарий билимларни, балки амалий билимларни чукурлаштириш орқали, амалий кўникма, усул ва услубларни ҳамда компетенция, лойихалар ва грантларда ишлай олиш қобилияти, гурух бўлиб ишлаш кўникмаси, лидерлик

сифатларини шакллантириш. Мутахассислигини чукур биладиган, муаммоларни хал килишга кодир, чет тилини пухта ўзлаштирган, маҳсус компьютер дастурларини қўллай оладиган, юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаб этишиди.

Айни пайтда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг мустақил тарзда таълим олиши учун Moodle тизимининг имкониятларидан кенг фойдаланимокда.

## Moodle тизими орқали мустақил таълимни ташкил тизими

Moodle тизими орқали мустақил  
таълимни ташкил этилганлиги



### 1.2.3-расм. Moodle тизими орқали мустақил таълимнинг ташкил этиш фаолияти натижалари.

Электрон таълим олиш бир қатор устунликларга эга: таълимнинг барча учун очиқлиги, материалларни ўзлаштириш суръатларини мустақил белгилаш, индивидуал таълим траекториясини куриш имконияти, таълим берувчи педагогнинг индивидуал маслаҳатларини олиш имконияти, телеконференциялар ташкил этиш ва тематик вебинарлар, гурухий мунозаралар, гурухий лойиҳаларда катнашиш имконияти ва бошқалар.

Электрон таълим дастакларининг хилма-хиллигига қарамай, уни таълим жараёнида қўллаш педагогларнинг юкори даражадаги малакаси, яъни таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда зарур хисобланган электрон

таълим мухитида ишлай олиш компетенцияси, фан доирасидаги компетенцияси, талабалар ва бошка таълим олувчиларни ўқитиш учун зарур хисобланган бошка компетенциялар ва электрон таълим беришнинг технологияларини кўллаш компетенцияларига мукаммал тарзда эга бўлинганда энг юкори самарани беради.

### **1.3. Электрон таълим мухитини шакллантиришнинг хукукий асослари**

Ҳар қандай демократик мамлакат сингари мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий фаолият конун орқали тартибга солинади. Конунчилик меъёрларининг мавжудлиги соҳа ва тармоклар фаолиятининг изчил тарзда ривожланиши учун асос яратади. Шунга монанд тарзда, электрон таълим мухитини шакллантиришнинг ҳам конуний асоси яратилган. Хукукий хужжатлар сирасига, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини киритишимиз мумкин. Конституциямизнинг 29, 42 ва 67-моддаларида электрон таълим мухитини шакллантиришнинг дастлабки хукукий асоси келтирилади:

- **29-модда.** Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукукига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хукукига эга.
- **42-модда.** Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуки кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик килади.
- **67-модда.** Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва конунга мувофик ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар<sup>11</sup>.

Мамлакатимизда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишни тартибга солиш ва электрон таълим мухитини ривожлантириш борасидан куйидаги Конун хужжатлари қабул килинган:

- “Телекоммуникациялар тўғрисида” 20.08.1999 й.

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2014.

- “Ахборотлаштириш түғрисида”.11.12.2003 й.
- “Электрон ракамли имзо түғрисида”.11.12.2003 й.
- “Электрон хужжат айланиши түғрисида”.29.04.2004 й.
- “Электрон тижорат түғрисида”.29.04.2004 й.
- “Электрон тўловлар түғрисида”.16.12.2005 й. ва х.к.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, хозирда мавжуд “Таълим түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида электрон таълим олиш борасидаги муносабатлар ойдинлаштирилмаган. Таккослаш учун Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида таълим түғрисида”ги Конунда бу масалага ойдинлик киритилади. Ушбу Конуннинг 16-моддасига кўра “Электрон таълим олиш деб, маълумотлар базасида мавжуд ва таълим дастурларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотлар, уни қайта ишлаш имкониятини берувчи технологиялар ва техник воситалар, шунингдек белгиланган ахборотни етказиб берувчи ахборот-телекоммуникацион тизимларини кўллаш оркали таълим олувчилар ва педагогик ходимларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш тушунилади” деб таъриф берилади<sup>12</sup>.

Фикримизча, сўнгги пайтдаги таълим хизматлари бозоридаги тенденцияларни эътиборга олган ҳолда, “электрон таълим”, “электрон таълим мухити”, “электрон таълим олиш” ва бошқа шу билан боғлиқ тушунчаларга ҳуқукий ойдинлик киритиш зарурияти пайдо бўлди.

Мамлакатимизда кабул килинган “Таълим түғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самараали миллий моделини яратища энг мухим омил бўлди. Тизимдан кўзланган асосий мақсад таълим соҳасини тубдан ислоҳ килиш, уни жаҳон талабларига тўла мувофиқлаштириш, таълимни ягона ўкув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида комплекс ривожлантиришдан иборатdir. Шубҳасиз бу жараён АҚТни кўллаган ҳолда амалга оширилиши ва уни жорий этишнинг

<sup>12</sup> Федеральный закон «Об образовании в Российской Федерации» 0-13. – Москва: Проспект, 2014. – 160 с.


ташкилий, хукукий ва иктисадий асосларининг яратилишини талаб этди. Хукуматимиз томонидан АКТларнинг таълим сифатини оширишдаги ролини чукур англаган ҳолда бир катор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080 Фармони, “Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли фармони Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори, “Иктисадиётнинг реал секторида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чоралари тўғрисида”ги 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон хукумат”, тизимини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги, “Компьютерлаштириш ва АКТ татбиқ этишни янада ривожлантириш чоралари ҳакида”, “АКТ мухитида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳакида” ва “ZiyoNET” ахборот тармоғини янада ривожлантириш ҳакида карорлар қабул қилинган.

Айни пайдада, “ZiyoNET” жамоат ахборот таълим тармоғида 4500 дан ортиқ турли типдаги тўлик матнли электрон-илмий ресурслар (маъзуза конспектлари, ўкув-услубий кўлланмалар, рефератлар, битирув ишлари, мақолалар ва ҳоказолар) мавжуд.

Республикамизда электрон таълим мухитини ривожлантириш борасидаги мухим қадамлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон

таълимни жорий этиш марказининг ташкил этилганлиги бўлди. Марказ Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 25 июндангаги 228-сонли карори асосида ташкил этилган. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида “Электрон таълим” миллый тизимини яратиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ-1740-сон карорининг ўз вактида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

**«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказининг  
ТУЗИЛМАСИ**



### **1.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази тузилмаси**

Марказнинг асосий фаолияти куйидагилар этиб белгиланган:

- “Электрон таълим” миллый тизимининг маъмури ва бошқариш функциясини амалга ошириш;
- олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, видеоконференц-алоқа ва масофадан ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш;

- олий ва ўрта-максус, касб-хунар таълими муассасаларининг “Электрон таълим” миллий тизими ахборот-таълим ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

- олий ва ўрта-максус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ва “Электрон таълим” миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талабларни ишлаб чикиш;

- олий ва ўрта максус, касб-хунар таълими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари педагоглари учун ўкув жараённида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича максус ўкув курсларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш;


- таълим жараённида компьютер ускуналаридан фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш, олий ва ўрта-максус, касб-хунар таълими муассасаларининг компьютер ва коммуникация воситаларини янгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чикиш;

- “Таълим” ахборот тизимлари мажмуасининг олий таълим кисмини ишлаб чикиш, жорий этиш ва қўллаб-куватлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтини такомиллаштириш.

Марказ таркибида маълумотларни қайта ишлаш ва саклаш учун серверхона ажратилган бўлиб, серверхона замонавий юқори характеристикага эга 11 дона сервер, 4 комплект UPS қўрилмалари ва бошқа турдаги техник воситалар билан жиҳозланган. Шунингдек, ташки 2 та алоҳида оптик алока линияларига уланган. Хавфсизлик жихатдан ички ва ташки периметр видео кузатув камералари ҳамда кириш ва чикишни назорат килувчи биометрик воситалар ўрнатилган. Ушбу серверлар ёрдамида ўнга якин турли ахборот тизимлари жорий этилган. Марказ мамлакатимизнинг барча худудларини ягона миллий тармокка бирлаштирган бўлиб ундаги жами объектларнинг сони 168 тани ташкил этади. Миллий тармоқ 98 та муассасаларни ўзига бирлаштирган. Марказда ахборот алмашинув

тезлигининг юкорилигига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 2014 йилда интернет тезлиги 10 Мб ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 100 Мб даражасига кўтарилиди. Илм-фан, техника технология ютукларини АҚТ соҳасида фаол тарзда кўлланиб келиниши, жумладан, оптик толали телефон алокалари, симсиз тарзда ахборотни узатиш курилмаларининг ривожланиб бориши якин келажакда марказ фаолиятини янада ривожланиши ва такомиллаштирилишига олиб келади.

## “ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ” МИЛЛИЙ ТАРМОГИ



**1.3.2-расм. Электрон таълим миллий тармоғи ва ягона ахборот мухити.**

Миллий таълим тизимини ривожлантиришда электрон таълим миллий тармоғининг ўрни ва аҳамияти юкори даражада. Электрон таълим фаолиятини мувофикаштириш ва ривожлантириш “Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази”нинг асосий вазифаларидан биридир. (1.3.2-расм)

Марказда давлат ва хўжалик бошқарув органлари билан электрон хужжат алмашинув “е-хат” химояланган электрон почта тизими оркали амалга оширилади. Тасарруфидаги марказлар ва олий таълим муассасалари билан электрон хужжат алмашиш “InfoX - Онлайн ахборот алмашиш тизими”

орқали амалга оширилади. Марказий аппаратда хужжат алмашиш ва топшириклар назоратини юритиш “JFC” дастури орқали бажарилади. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар билиш фаолиятини хар томонлама фаоллаштиришга асосланган электрон таълим тизимлари талабаларнинг психофизиологик ва психологик ўзига хосликларини хисобга олгандагина, шахснинг таълим ва касбий фаолияти учун муҳим бўлган сифатларини ташис қиласидиган ва тўғрилаб борадиган тизим мавжуд бўлгандагина самарали бўлиши мумкин. Бу борадаги вазифаларни тўлаконли амалга оширилишида электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқишига қўйиладиган дидактик, психофизиологик, методик ҳамда техник талабларга риоя этилиши лозим:

1. а) умумдидактик талаблар: ишлаб чиқариш соҳаси билан интеграция, яъни таълимда илмийлик, фан-техника ва технологиялар сўнгги ютуқларининг хисобга олиниши; ўқитишнинг мақсадга эришувчанлиги, машғулотнинг муаммо вазиятлар билан бойитилиши, кўргазмалилиги, онгли йўналтирилганлиги, таълим олувчининг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаши, тизимлилиги ва кетма-кетлиги, ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари бажарилиши, билимларни мустахкам ўзлаштириш талаблари;

б) ҳусусий дидактик талаблар: мослашувчанлик, интерактивлик, визуаллаштириш, фойдаланувчи интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш; тизимлилик ва функционал боғликлек; таълим беришнинг тўликлиги ва узлуксизлигини таъминлаши.

2. Психофизиологик талаблар: фойдаланувчиларнинг интеллектуал даражаси, мотивацияси, функционал ҳолати ҳамда ишчанлик даражаси эътиборга олиниши.

3. Методик талаблар: ўкув материалини тақдим этишининг тушунчали, образли ва харакатли компонентларининг ўзаро боғликлигига таянган ҳолда курилиши; ўкув материалини юкори тартибли тузилма кўринишида таъминланиши; таълим олувчига ўкув материалини босқичма-босқич

ўзлаштирганлигини турли хилдаги назоратларни амалга ошириш асосида аниклаш имкониятларининг яратилиши.

4. Таълим ресурсларига кўйиладиган техник талаблар одатда аник олинган электрон таълимни амалга ошириш хусусиятларига боғлик ҳолда белгилаб берилади.

Мамлакатимиздаги бир қатор ОТМлар, ТАТУ, ТДПУ, ТДИУ ва бошқалардаги ушбу талабларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чикилган мустақил таълимни амалга оширишга қаратилган электрон ўқитиш тизими бу борадаги фикрларга намуна бўла олади. Тизимни яратишда таълим олувчиларни кабул килишнинг очиқлиги; таълимни очиқ режалаштириш, яъни тегишли ўкув режаси ҳамда таълим йўналиши доирасида таълимнинг индивидуал траекториясини танлашдаги эркинлик; таълим вақти ҳамда тезлигини танлашдаги эркинлик; таълим жойини танлашдаги эркинлик; таълим ресурсларининг кўп сатхлилиги, уларнинг етакчи профессор-ўқитувчилар илмий ва касбий салоҳиятини жалб килган ҳолда ишлаб чикилишига эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 625-сонли “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори таълим тизимида электрон таълим мухитини яратиш борасидаги амалий тадбирларнинг сифат жихатидан янги даврини бошлаб берди. Қарордан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талабарини кондириш, вояга етмаганлар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодда ахборот-мағкуравий соҳадаги даъват ва таҳдидларга нисбатан иммунитетни шакллантириш, жамиятда бой миллий тарихий-маданий мерос ва маънавий кадриятлар хакидаги билимларни оширишга қаратилган замонавий веб-ресурслар яратишни рағбатлантириш, шунингдек контентни монетизация килишнинг самарали механизмларини жорий этишдан иборатдир. Қарор ижроси бўйича 2017-2019 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида

миллий контентни ривожлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилган бўлиб, дастур қуидагиларни назарда тутади:

- миллий контент ва веб-ресурсларни ривожлантириши рағбатлантириш ва оммалаштириш, уларни ташкилий, моддий-техник ва молиявий қўллаб-куvvатлаш тизимини яратиш;
- интернет жаҳон ахборот тармоғининг миллий сегментини ғоявий-мазмунан тўлдириш, фойдаланувчиларнинг, энг аввало ёшларнинг замонавий талабларга жавоб берадиган оммабоп ахборот ресурслари, медиа-маҳсулотлари, бадиий, мультиликацион ва хужжатли фильмларни яратиш ва ривожлантириш, шунингдек интернет-журналистикани ривожлантириш;
- Ўзбекистон мессенжерлари ва ижтимоий тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг жозибадорлигини ошириш хисобига аудиториясини кенгайтириш;
- таълим муассасалари ўкув дастурлари билан интеграцияланган замонавий веб-ресурсларни яратиш;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғида яратиладиган миллий ахборот ресурсларини янада тарғиб килиш ва оммалаштириш;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғининг глобал ва миллий сегменти ривожланиш тенденцияларини доимий ўрганиб бориш, Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш, давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва тегишли норматив-хукукий базани такомиллаштириш. Қарор ижроси таъминлаш бўйича масъул қилиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоки, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ҳамда бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар белгилаб қўйилган.


## **П БОБ. ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКЛАРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Онлайн ўқув курслари асосида касбий компетентликни ошириш имкониятлари (coursera, khanacademy, udemy)**

Жаҳон миқёсида давом этаётган глобаллашув жараёнлари таълим тизимини ҳам четлаб ўтмади. Замонавий таълим тизимида янги мазмун ва аҳамиятга эга бўлган тушунчалар ва категориялар тобора истеъмолга кенг кириб бормоқда. Жаҳон таълим тизимида мавжуд интеграция жараёнлари глобал электрон таълимга бўлган эҳтиёжни тобора ошиб боришига олиб келмоқда. Таълим хизматларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлиги, таълим жараённинг шахсга йўналтирилганлик тамойилининг устивор даражада амал қилишнни, таълим аҳолининг кенг қатламларига етказилишини талаб қиласди. Бу борада ОООКларнинг аҳамияти тобора ортиб боришини таъкидлаш ўринлидир.

Coursera (Coursera расмий веб-манзили: [www.coursera.org](http://www.coursera.org)) очик онлайн курслари 2012 йили АҚШнинг Стенфорд университети 2 нафар профессорлари Дафне Коллер ва Эндрю Нг томонидан ўз билим ва қўникмаларини дунё бўйича улашиб максадида ташкил этилган ва бир неча ой ичidaёқ ушбу олимлар бутун ҳаётлари давомида аудиторияда ўқитишлари мумкин бўлган ўрганувчиларнинг кўпрогини ўқитишга эришишган. Шундан бери бу платформа такомиллашиб ҳозирги кунда қуйидаги ракамларни қайд этмоқда:

- ўрганувчилар сони - 25 миллион;
- ҳамкор университетлар сони - 149 та;
- ҳамкорлар жойлашган мамлакатлар сони - 28 та;
- курслар сони - 2790 дан ортик;
- мутахассисликлар - 180 дан ортик.



## 2.1. 1-расм. Coursera бош саҳифасининг айни пайтдаги қўриниши.

Courserада онлайн таълим киска муддатли, яъни 4-6 ҳафта давом этадиган курслар (**Courses**), ўрта муддатли, 4-6 ой давом этадиган ихтисослаштирувчи машғулотлар (**Specialization**) ва узок муддатли, 1 йилдан 3 йилгача давом этиб магистрлик даражасини берувчи таълим (**Online degree**) дан таркиб топган.

**Courses** кисмида дарслар видео-роликлар, ёзма топшириклар ва форумлар орқали олиб борилади ва машғулотлар якунидага ўрганувчига электрон курснинг сертификати (**Course Certificate**) тақдим килинади.


**Specializations** кисми ўрганувчига маълум ихтисосликни ривожлантириш имкониятини беради ва бунда таълим жараёни курслар билан биргаликда реал ҳолатларга асосланган лойиҳалар устида ишлаш орқали амалга оширилади. Машғулотлар якунидага ўрганувчига ихтисослик сертификати (**Specialization Certificate**) топширилади.

Иш фаолиятида юқори поғоналарга кўтарилиш кўп ҳолларда олий таълимда эришилган дипломга асосланади ва Coursera барчага онлайн диплом (**Online degree**) олиш имкониятини ҳам беради. Ҳозирда Courserада бизнес, компьютер билимлари ва маълумотларни қайта ишлаш соҳасида юқори рейтинга эга бўлган университетларнинг онлайн диплом берувчи

дастурлари фаолият юритмокда. Ўкишлар якунлангач, дастурдан келиб чишиб, ўрганувчига бакалавр ёки магистрлик дипломи тақдим этилади.

**Coursera** ҳамкорлари дунёning энг нуфузли университетлари эканлиги олий таълим соҳасида унинг барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида қаралиши мумкин.

**Khanacademy** онлайн таълим порталининг расмий веб-манзили [www.khanacademy.org](http://www.khanacademy.org) булиб, ундаги бош сахифанинг қўриниши.



## 2.1.2-расм. Khanacademy онлайн таълим порталининг бош сахифаси.

Бош сахифанинг остки кисмидаги менюларда фан соҳалари акс этган булиб улар математика (math), фан ва мухандислик (science and engineering), компьютер саводхонлиги (computing), санъат ва ижтимой фанлар (art and humanities) ҳамда иктисад ва молия (economics & finance) кабилардан иборат. Ушбу қатордаги “test prep” менюси эса тест имтиҳонларига тайёргарлик бўйича сабоклар беришга мўлжалланган.

Khanacademy портали тажриба машғулотлари, инструкционал видеороликлар ва инструментал панелларни таклиф этиб, ўкувчига аудитория

ицида ва ташкарисида ўзининг ўзлаштириш суръатида таълим олиш имконини беради.

Khanacademy АҚШнинг Массачусетс Технология Институти дипломлари ва Гарвард Университетининг Бизнес Бошкарув магистрлик даражасига эга бўлган Салмон Хон томонидан 2005 йилда ўз қариндошларига ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган бўлиб, у вакт ўтгани сайн ривожланиб борди ва бутун дунёга хизмат кўрсатадиган таълим порталига айланди.

Khanacademy фаолияти фойдага каратилмаган бўлиб, у турли йирик компаниялар ва донорлар ҳомийлигида фаолият юритади. Асосий ҳамкор ва ҳомийлар қаторидан Америка Банки, Бил ва Мелинда Гейтс Фонди, Google, O'Sullivan Фонди кабилар ҳам ўрин эгаллаган.

Udemy таълим портали [www.udemy.com](http://www.udemy.com) расмий веб-манзил орқали фаолият юритиб, айни пайтда унинг бош саҳифаси кўриниши қуидагича.



## 2.1. 3-расм. Udemy таълим порталининг бош саҳифаси.

Юкорида кайд этилган таълим порталлари каби Udemyнинг бош саҳифасидан ҳам рўйхатдан ўтиш, кириш ва кидириш менюлари ўрин олган. Саҳифа остидаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Udemyда 65000

онлайн курслар, исталған экспертлардан дарс олиш имконияти ва ўз тезлигидә үрганиш имконияти мавжуд.

Udemy таълим порталига келиб чиқиши туркиялик бўлган Эрен Бали томонидан Октай Каглар ва Гаган Бийани ҳамкорлигига 2010 йилда асос солинган бўлиб, у сифатли таълимни кенг оммага етказиш ва шу орқали турмуш даражасини юксалтириши максад килади.

Туркиянинг таълим учун имкониятлари чегараланган кичик қишлокларидан бирида ўрта мактабда ўқиётган кезларида Эрен Балининг ота-онаси унга компьютер олиб беради. Эрен интернетдаги манбалардан фойдаланган холда ҳамда мутахассислар ёзишмалар орқали математика ва шахмат бўйича билимларини такомиллаштиради ва кейинчалик ҳалқаро математика олимпиадасида кумуш медални қўлга киритишига сазовор бўлади. Ҳаётида муҳим бурилиш ясаган онлайн таълим уни Udemy таълим порталига асос солишига сабабчи бўлади.

Udemuning рақамларига назар солсак, ҳозирда дунё бўйича 20 миллион атрофида ўрганувчиси ва 30 минг атрофида ўқитувчилари мавжудлигини, ҳамда таълим жараёни 50 та турли тилларда амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин.

Бош саҳифанинг пастки кисмига тушилса, ушбу портал орқали ўқитишни йўлга кўйиш имкониятини қўйидаги расм орқали кўришимиз мумкин:


The screenshot shows two course offerings from the Udemy homepage:

- Станьте преподавателем**  
Получите ценные навыки для преподавания онлайн-курсов  
**Начать преподавать**
- Идеи для бизнеса**  
Разработайте бизнес идею и получите 25% скидку на курс  
**Начать разрабатывать**

Below these are smaller links:  
• Узнайте больше  
• Станьте преподавателем  
• Помогите создать курс  
• Узнайте больше  
• Узнайте больше  
• Узнайте больше

## 2.1. 4-расм. Udemuning ўқитишни йўлга кўйиш имконияти.

Куйида ўқитишни йўлга қўйиш схемасини кўриш мумкин. Яъни 1-боскичда мавзу танланади, 2-боскичда курс ташкил этилади ва 3-боскичда талабалар билан мулокот қилинади:



## 2.1. 5-расм. Udemyda ўқитишни йўлга қўйиш схемаси.

Udemy порталидан фойдаланишининг афзалликлари бўйича баъзи ўқитувчиларнинг изоҳлари:

Колт Стили: (интенсив курслар ташкил килувчи ва ўқитувчи, 197 мамлакатда 120 минг нафар талабаси бор) “*Udemy да биринчи курсимни ташкил қилгач, доимий ишимдан кетиб, ўзимнинг компаниямни барпо қилишига эришдим. Аввал ҳафтасига 60 соат ишлаётган бўлсам, энди эса иш вақтим ва юкламамни ўзим белгилай оламан*”, дейди.

Жеан Лурссен: (акварелист, 87 та мамлакатда 1124 нафар талабаси бор) “*Udemy туфайли менда бутун дунё талабаларидан иборат аудитория пайдо бўлди, аввал бу ҳақда фақат орзу қилиши мумкин эди*”, дейди.

Хозирги кунда юқорида кайд этилган ОООКлар яъни Coursera, Khanacademy va Udemy дунё ахолисига билим улашишда ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда.


## **2.2. Ўзбекистон таълим тизимида онлайн ўқув курсларини ташкил этиш орқали касбий компетентликни таъминлаш**

Айни пайтда, таълимнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири, бу таълим олувчи онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни карор топтириш, талабанинг келгусида жамиятда ўз ўрнини муносиб топиши учун амалий, хаётий қўнималарни шакллантириш билан ижтимоий-иктисодий муносабатларга фаол киришиб кетишида муҳим хисобланади.

Ушбу вазифалар таълим сифати даражасини янада кўтаришни, малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни ҳамда бу жараёнларда АҚТдан фойдаланиш даражасини оширишни ҳамда бунинг натижасида таълим ва тарбия тизимида туб сифат ўзгаришлари содир этишни талаб қиласди.

Олий таълим тизимида таълим сифатининг онлайн ўқув курсларини ташкил этиш ва бу орқали касбий компетентликни таъминлаш, биринчи навбатда олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси, молиявий ахволи, мавжуд хўжалик шартномалари, маблағли илмий лойиҳалар, мавжуд АҚТ таъминоти, ахборот ресурслари, электрон таълим воситаларига боғлик. Бу жараёнда педагогларнинг касбий малакалари, билим савиялари, салоҳияти ва талабанинг ўзлаштириши, сифат кўрсаткичлари, мутахассис даражасида ҳосил қилган қўнималари, эгаллаган касби ва истеъмолчилар томонидан мутахассисга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши масаланинг яна бир муҳим жиҳатларидан биридир. Шунингдек, истеъмолчининг (иш берувчи) мутахассис сифатига қўядиган талаб ва таклифларини инобатта олиниши ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Хозирги вактда глобаллашув жараёни таълим сифатини оширишда электрон таълим имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Электрон таълим жараёни таълим тизимида ўз ўрнини топмоқда.



**Қарор қабул қылувчи шахс** (таълим ташкинчилери. Уларга ректор, деканат, үкүв бўлими, кафедралар)

### ЕЧИМ



### БИЛИМ, МАЛАКА КУНИКМАСИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ



**2.2.1-расм. Электрон таълим мухитида таълим олиш модели.**

2018 йил апрел ойининг биринчи ўн кунлигига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, Буюк Британиянинг Тошкентдаги элчиҳонаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда биринчилар каторида онлайн ўқитиш курс ([mooc.edu.uz](http://mooc.edu.uz)) платформасини жорий этди. Ушбу платформанинг асосий мазмун-моҳияти масофадан туриб кечки ва сиртки мустақил таълимни жорий килишдан иборат.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини вактинча бажарувчи Бадарч Дендевнинг таъкидлашича, edX, Coursera хорижий очик онлайн курслари сингари Ўзбекистонда ҳам ушбу платформанинг жорий қилиниши, ўзбек тилида мустақил таълимни олиб борилиши билан муҳим ходиса саналади.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасасида сиртки (маҳсус сиртки) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида”ги 930-сон Карорида мустақил ҳамда масофадан туриб таълим бериш белгиланган. Жорий этилган оммавий очик онлайн курс мазкур Карорни амалиётга тадбик қилишда катта ахамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази лойиҳани амалга тадбик этишда 150 дан ортиқ платформаларни таҳлил килиб, энг макбул вариантни танлади. Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, ҳалкаро рейтингда ушбу платформа биринчи ўринда туради.

Онлайн ўқитиш курсини ташкил қилиш учун мўлжалланган платформада барча зарурӣ элементлар яратилган. Ҳусусан, маъруза, тест, топширик, чат, форум, сўровнома, глоссарий, тескари алоқа ва вебинар шулар жумласидандир. Шунингдек, фойдаланувчиларга кулайлик яратиш максадида платформани ижтимоий тармоқлар билан интеграцияси амалга оширилди. Ушбу платформа келажакда ўқитувчи ва профессорларга

ўзларининг оммавий очик онлайн курсларини яратиш имконини берса, тингловчиларга мустакил равишда таълим олиш имкониятини беради.

Ҳозирда оммавий очик онлайн платформасига “Медиа ва ахборот саводхонлиги” ўкув курси киритилган. Ўкув курси ахборот манбаларини аниклаш, таҳлил қилиш, замонавий медиа таълимнинг мазмун-моҳияти, асосий жихатлари, медиа ва анъанавий матнларни ўкиш, медиа матнларни яратиш хамда коммуникация технологиялари ёрдамида уларни узатиш методларини батафсил ўргатади. Энди mooc.edu.uz сайти яна янги ўкув курслари билан тўлдириб борилади.



2.2.2-расм. Mooc.edu.uz веб-манзили бош саҳифасининг кўриниши.

Ушбу таълим порталининг барпо қилиниши билан боғлик лойиха ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Республикамиз бўйлаб ўрта маҳсус қасб-хунар таълими тизими ўқитувчиларининг “Медиа ва ахборот саводхонлиги” мавзуси доирасида билимларини ривожлантириш мақсадида 2017 йилнинг июнь-август ойлари мобайнида семинар-тренинглар ўтказилишидан бошланди.

Ўтказилган семинар-тренинглар натижасида 350 дан ортиқ ўқитувчилар медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича ўз билимларини янада

бойитиб ривожлантирилар. Мазкур харакатларнинг давоми сифатида мамлакатимизда mooc.edu.uz онлайн таълим портали фаолият бошлаб, илк бор “Медиа ва ахборот саводхонлиги” мавзусида оммавий онлайн очик курс (OOOK, инглизча MOOC-massive online open course) жорий этди ва ушбу онлайн таълим порталининг якин келажакда Республикадаги барча олий таълим муассасалари курсларини камраб олиши максад килинган.

Coursera, Khanacademy, Udemy, edX OOOK порталлари сингари mooc.edu.uz порталидан фойдаланиш учун ҳам рўйхатдан ўтиш лозим бўлади ва бу жараённи Facebook, Google, Microsoft сахифаларидаги аккаунтлар орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Порталдаги меню ва маълумотлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида шакллантирилган.



## 2.2.3-расм. Mooc.edu.uz да рўйхатдан ўтиш сахифасининг кўриниши.

### Mooc.edu.uz порталида “Медиа ва ахборот саводхонлиги” онлайн курси хақида кисқача маълумот

Медиа ва ахборот саводхонлиги бугунги кунга келиб ҳар бир фуқарога керак бўлган энг муҳим қўнималардан бирига айланди. Ахборот қабул килувчилар (ота-оналар, ёшлар, талабалар ва барча инсонлар) соҳта янгиликлар, пропаганда, миш-мишлар, шов-шуввлар, сатира ва турли хил

реклама хабарларининг доимий хужуми таъсирида бўлган хозирги вазиятда, аниқ далилларга асосланган ишончли ахборотни уйдирмалардан ажратиш борган сари мураккаблашиб бормоқда. Ушбу 6 ҳафталик очик онлайн курсда ўқувчиларда ишончли ахборот манбаларини аниклаш, таҳлил килиш ва танлаш кўнгилмаларини ривожлантириш, замонавий медиа таълимнинг мазмуни ва моҳияти, асосий жиҳатлари, медиа ва анъанавий матнларни ўқиш, медиа матнларни яратиш ҳамда коммуникация технологиялари ёрдамида уларни узатиш методлари батафсил ёритилган. Шунингдек, глобал ахборот майдони орқали узатилаётган ахборотларни тушуниш, таҳлил этиш, тандиқий нуқтаи назардан баҳолаш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби қатор долзарб масалалар ўз ифодасини топган. Курс таркиби куйидаги 6 та модулдан иборат:

- 1-модул. Медиа ва ахборот саводхонлигига кириш.
- 2-модул. Медиа ва ахборот саводхонлигининг жамиятдаги ўрни.
- 3-модул. Медиа ва ахборот тили.
- 4-модул. Анъанавий медиадан замонавий медиа сари.
- 5-модул. Медиа матнларни лойиҳалаш ва яратиш.
- 6-модул. Виртуал олам ва ёшлар.

Аудиторияси (кимлар учун): Мазкур курс олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва юкори синф ўқувчилари ҳамда бугунги ахборот коммуникациялари кенг ривожланган жамиятда ўз ўрнини топиш ва коммуникация мухити орқали тарқалаётган ахборотларнинг ишончлилигини таҳлил кила олишни хоҳлаган ҳар бир шахс учун мўлжалланган.

Курс бош саҳифасининг ўнг томонида курснинг бошланиш ва тугаш вактлари, ҳафтасига неча соатни қамраб олиши, нархи ва тили каби маълумотлар ўрин олган.

Бу порталнинг барпо этилганлиги Республикаизда олий-таълим жараёнининг ривожланишида, унинг жаҳон андозаларига ҳамоҳанглигини таъминлашда мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу портал

ўрганувчилар учун кулайликлар яратиши билан бир каторда келгусида профессор-ўқитувчиларнинг ўз-ўзини иш билан таъминлаш, ўз билимларини товарга айлантира олиш имкониятларини яратади.

Профессор-ўқитувчиларнинг портал ёрдамида ўз аудиторияларини дунё бўйлаб кенгайтиришлари имконияти мавжуд бўлиб, бундан кай даражада фойдаланиш уларнинг соҳа бўйича билимларининг мукаммалиги, компьютердан фойдаланиш саводхонлиги билан бирга хорижий тилларни билиш даражалари, хусусан ҳозирги кунда дунё тили сифатида амал килаётган инглиз тилини билиш даражаси билан боғлик бўлади.

Республикамизда олий таълим тизимини ислоҳ килиш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар бунга муҳим замин яратади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти карори хорижий олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, талабаларни энг юкори рейтингдаги хорижий олий таълим муассасасида ўқишга юбориш, энг юкори рейтингдаги хорижий олий таълим муассасидаги ўқитилаётган фанларни миллий ўзимизнинг олий таълим муассасаларида жорий этиш учун муҳим имконият эканлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши Республикамиз ОТМлари профессор-ўқитувчиларида мутахассислик фанларини чет тилида ўқитиш малакасининг шаклланиши оркали уларнинг ООҚлардан фойдаланиб, дунё бўйича ўзларининг аудиторияларига эга бўлиш имкониятини очади. Бу фаолиятнинг ривожланиши эса профессор-ўқитувчи кай даражада ўзининг устида ишлаши билан боғлик бўлиб, уларни дунё бўйича ракобатбардошлилигини ошириш томон ундайди.

Олий таълим тизимини тубдан ислоҳ килиш бўйича кенг миқёсдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари салоҳиятли илмий ва педагогик таркибга, замонавий ўкув-дастурний асосга, моддий-техник база ва ўкув-илмий

лабораторияларга эга бўлган таълим масканлари сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратиша мухим омил бўлди. Ушбу тизим таълим соҳасини тубдан ислоҳ килиш, таълимни ягона ўқув-илмий ишлаб чикариш мажмуаси сифатида комплекс ривожлантиришга хизмат килмоқда. Шу билан бирга, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида боскичма-боскич ислоҳ қилинмоқда.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, олий таълим профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш масаласига қаратилаётган эътибор самараси ўларок ўтган йилларда мамлакатимизда олий ўқув юртлари педагогик жамоаси салоҳиятини оширишга хизмат килувчи малака ошириш механизми тубдан ислоҳ этилди. Хукуматимиз қарори билан ташкил этилган 5 та минтақавий, 10 та тармок малака ошириш маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузурида олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош Илмий-Методик Маркази фаолият юритмоқда. 2015 йил 12 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни бутунлай янги сифат боскичига кўтаришга хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу ҳужжат олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш асосида юкори

малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш максадида кабул килинган бўлиб, Фармонда авваламбор, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг мухим устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида малакасини оширишнинг яна бир йўли сифатида хам Coursera, Khanacademy, Udemy, edX каби ОООКлардан фойдаланиш имкониятини қайд этиш мумкин. Буни амалга ошириш учун ОТМ да маҳсус ишчи груп шакллантирилиши мумкин ва бу груп профессор-ўқитувчиларнинг мутахассислигидан келиб чиккан холда ОООК томонидан таклиф этилаётган курсларни ўрганиб чишиб, унинг мамлакатимиз давлат таълим стандартига мослиги ва ҳозирги пайтда қай даражада долзарблигини аниклаб бериши мумкин.

ОООКдан фойдаланиб профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш иқтисодий жиҳатдан ва вакт жиҳатдан афзаллиги билан бир каторда профессор-ўқитувчиларда ОООК оркали таълим бериш методлари бўйича билимларни ҳам шакллантириши билан ахамиятлидир. ОООК оркали олинган курслар методологиясидан ўрганган холда профессор-ўқитувчи келгусида mooc.edu.uz каби ОООК порталидан фойдаланиб, ўзининг онлайн курсини дастлаб Республика бўйлаб жорий қилиб ва уни ривожлантириб, кейинчалик дунё миқёсида ташкил этиши мумкин бўлади.

### **2.3. Профессор-ўқитувчиларнинг онлайн ўкув курсларидан фойдаланиш кўнималарини шакллантириш**

Профессор-ўқитувчиларнинг онлайн ўкув курсларидан фойдаланишлари учун компьютер ва у оркали ишлайдиган оғис жиҳозларидан, интернетдан ва онлайн ўқитиш методологияларидан фойдаланиш кўнималари зарур бўлади. Шунингдек смартфонлардан фойдаланиш кўнималари бу борада қўшимча қулайликлар яратади.

Ҳозирги кунда коммуникацион технологиялар жадал ривожланишда давом этмоқда ва шунга мос равишида ҳар соҳада замон талаби билан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан интернет тармоғидан унумли фойдаланиш жараёнларнинг глобал тус олишига имкон яратмоқда. Замон тараккиёти билан ҳамоҳанглиқда фаолият юритиш учун ушбу коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириб, доимо янгиларини қўшиб бориш зарур бўлади. Хусусан компьютер ва смартфонларнинг кундан кунга тараккий этиши улардан фойдаланиш билим ва кўникмаларини доимо шакллантириб боришни талаб этмоқда.

Замонавий ахборот технологияларининг *воситалари* қаторига: компьютер, сканер, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, интернет ва интранет тармоклари, мобил алоқа аппаратлари ва тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интелект тизимларини киритиш мумкин.

Ахборот технологиялари воситаларининг марказида турувчи асосий жиҳоз компьютердир. Технологиянинг ривожланиши билан техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш учун биргина компьютернинг мавжудлиги кифоя бўлиб қолди. Авваллари телевизор, видеомагнитофон, кинопроектор, диапроектор ва бошқалардан фойдаланилган бўлса, эндиликда компьютернинг ўзи уларнинг функцияларини бажариш имкониятига эга. Шунингдек, ахборотни узатиш, саклаш, тасвирилаш сифати сезиларли даражада ортди.

Ҳозирги кунда, компьютерлардан таълим тизимида асосан ўрганиш обьекти сифатида, ўқитишнинг техник воситалари сифатида, таълимни бошқаришда, илмий-педагогик изланишларда фойдаланилмоқда.

Ўкув-тарбия жараёнида эса компьютерлар асосан тўрт тартибда, яъни *passiv қўллаш* (компьютер оддий хисоблагич каби), *реактив мулоқат* (компьютер имтихон олувчи сифатида), *фаол мулоқат* (компьютер талабага йўл-йўрик бериш ва имтихон олишда), *хамда интерфаол*

мулокот(компьютер сунъий интеллект сифатида, яъни талаба билан мулокот) килишда фойдаланилади.

Таълим соҳасида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши фан соҳаларини ахборотлаштириш, ўкув фаолиятини интеллектуаллаштиришни, интеграция жараёнларини чукурлаштиришни, ҳамда таълим тизими инфратузилмаси ва ундаги бошқариш механизмларининг такомиллаштирилишига олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш:

- масофавий ўкув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилар, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;
- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;
- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

- талабанинг касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш оркали фан соҳасини чукур ўзлаштирилишига;
- ўкув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустакил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулокот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш оркали талабанинг ўкув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;

– ўрганилаётган жараён ва ходисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизикишини ва фаолликни оширишга олиб келиши билан мухим ахамият этади.

Ҳозирда Ўзбекистон миллий Интернет ресурслари сифатида куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- www.uz – миллий ахборот кидирув тизими.
- mail.uz – миллий электрон почта хизмати.
- ziyonet.uz – ахборот таълим тармоғи.
- uforum.uz – мухокама веб портали.
- edu.uz – Ўзбекистон таълим портали.
- mtrk.uz – миллий телерадиокомпания веб сайти.

www.uz – бу барча фойдаланувчилар учун юртимизнинг Интернет тармоғидаги миллий сегменти ахборотларидан кулагай тарзда фойдаланиш имкониятини берувчи тизимдир.

Бугунги кунда интернетта жойлаштирилган веб-саҳифаларни мақсадига караб куйидагича классификациялаш мумкин:



### 2.3.1-расм. Интернет веб-саҳифаларини мақсадига караб классификациялаш.

1. Реклама сайти-ихтиёрий реклама сингари интернет информацион мухитидаги аник маҳсулот ва хизмат ёки брэндни реклама қилиш учун

хизмат қиласи.

2. Информацион сайт-мижозларни маҳсулот ва хизмат турлари тўғрисидаги маълумотлар билан тўла-тўкис боҳабар этиш учун хизмат қиласи.

3. Бизнес-сайт-компаниянинг алоҳида ташки бизнес-жараёнларни ташкил қилиш учун (масалан, таъминотчи ва дилерларнинг омбордаги маҳсулотлар; маҳсулот ёки хизматларга эга бўлишдаги буюртмалари, хизматчи ва дилерларни ўқитиш; сұхбатлар олиб бориш жараёнлари тўғрисида) хизмат қиласи. Бизнес-жараёнларни ташкил этиш учун дастурий модуллар (интернет-илова) мавжудлиги билан фарқланади.

4. Корпоратив портал компания ички ва ташки бизнес-жараёнларининг сервисларини ўз ичига олади. Бундан ташкари, корпоратив портал таркибиға компаниянинг турли хил бўлимлари ўртасида ахборот алмашуви, бухгалтерия иловалари, омбор, кадрлар бўлими, статистик ва аналитик ахборотлар, справочник, ўкув ахборотлари; таъминотлар, дилерлар, истеъмолчилар билан ишлаш учун автоматлаштирилган воситалар ва б.к. киради.

5. Таълим ва тарбияга бағишлиланган сайtlар. Бундай сайtlар асосан таълим муассасаси ҳакидаги маълумотларни кенг оммага танишириш, таълим муассасасида фаолият олиб борувчилар ҳамда ўкувчиларни таълим муассасаси билан доимий алокасини таъминлаб туриш максадида яратилади. Шунингдек таълим ва тарбияга бағишлиланган бир неча сайtlар мазмунан ва мантиқан бирлаштирилиб таълимий портални ташкил килиши мумкин.

Таълим жараённада Интернет сайtlаридан фойдаланиш имкониятларини, унинг самарадорлигини аниклашда аввал Интернет хизматининг турлари ва уларнинг характеристини аниклаб олиш ниҳоятда мухимдир. Айнан ана шу аникланган маълумотлар Интернет тармоғида ишлашнинг ташкилий жиҳатдан шакли ва усуllарини ажратиб олишга ёрдам беради.

Интернетдаги барча таълимга йўналтирилган веб-саҳифаларни ўз навбатида бир неча турга ажратиш мумкин.



### 2.3.2-расм. Таълимга йўналтирилган веб саҳифалар классификаяси.

Ўргатувчи интернет манбаларига масофавий таълим, виртуал мактаблар, лабораториялар ва веб синфларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Масла'ат берувчи интернет манбаларига турли телеконференциялар, виртуал педагогик кенгашлар, виртуал услубий, бирлашмалар муаммовий кенгашлар, виртуал кафелар ва ҳоказоларни мисол келтириш мумкин.

Ахборотли интернет манбаларига электрон ўкув кўлланмалар, маълумотномалар, электрон кутубхоналар, лугатлар, каталоглар, виртуал музейлар мисол бўлиши мумкин.

Бахоловчи интернет манбаларга телетестинг, масофавий конкурслар, турли викториналар ва олимпиадаларни мисол сифатида бериш мумкин.

Такдимотли интернет манбаларида таълим муассасаларининг таълим йўналишлари ҳакида атрофлича маълумотлар ёритилади.

Ўкув муассасалари учун яратилган сайtlар ёрдамида ўқитувчилар таълим олувчиларга масофадан турган ҳолда билим олишларига имкон яратадилар. Ўкув муассасалари учун яратилган сайtlар айниқса ўқитиш жойларига катнаши қийин бўлган таълим олувчиларга қулайдир. Булардан

ташқари таълим олувчилар ахборот технологиялари билан ишлаш маданияти, кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардан дарс жараёнида фойдаланиш жуда катта имкониятлар яратади.

Ўқув жараёнида таълимга йўналтирилган веб-саҳифалардан фойдаланиш ўқитувчиларга бир катор имкониятлар яратади:

**интернет тармоғи ёрдамида у ёки бу ўқув фанлардан тўплangan тажриба ва усулларни бошқа касбдошлари билан алмашиш**

дијентине тандидали гоногдаги талабдор инчанд кид ўзиши усулларнинг вимале, дигитрич сурʼани умуми жарденини индивидуаллаштириш

ўқув муасасалари учун яратилган сайтлардаги назорат топширикларидан машқ сифатида фойдаланиш натижасидан талабалерда фан бўйича эгалланган билимларни кўникма ва малака дарражасига ётказиш

хўда бажариладиган ишларни камайтириш қисобидан талабалерга энна тартибда ишлаш ва уз кобилиятларини таомончилиш имкониятларини ўзлаштириш

тадобузимонгичнан чилингриларни сизарени ташкини ётди

### 2.3.3-расм. Таълимга йўналтирилган веб саҳифаларнинг ўқитувчига берадиган имкониятлари.

Таълимга йўналтирилган веб-саҳифаларнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Талабанинг ўзлаштириш топшириклар ва тестларни бажаришига караб аникланади. Ўқувчи берилган программани канчалик тез ўзлаштиrsa, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувохнома олади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустакил ишлаб, ўқишни давом эттиришга имконият берилади.

Таълимга йўналтирилган веб-саҳифаларнинг материаллари асосан куйидагилардан иборат бўлади:



**2.3.4-расм. Интернетда таълим материаллари.**

Республикамиз олий таълим муассасалари учун яратилган сайтларни каталогглаштириш, республика таълим муассасаларида тайёрланаётган электрон ўқув адабиётларини барча таълим муассасалари орасида тарғиб килиш мухим ва мураккаб вазифа хисобланади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан ушбу масаланинг ижобий ечимини топиш хамда таълим муассасалари учун яратилган электрон ўқув ресурслари ва таълим муассасалари сайтларини таълим жараёнига татбик этишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим аҳборот тармогини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан ташкил қилинган [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) аҳборот-таълим портали ишга туширилди ва бу порталда барча таълим муассасалари учун таълим ресурслари жойлаштирилганлиги аҳамиятга моликдир.

Жорий йилнинг жорий ойида яъни 2018 йил апрел ойининг бошларида Республикамиз таълим соҳасида илк оммавий очик онлайн курслар портали -

**mooc.edu.uz** нинг ташкил этилганлиги Республикаизда таълим тизимининг тараккиётида ўзининг муносиб хиссасини кўшишига умид билдирамиз. Хоҳлар эдикки, Mooc.edu.uz ҳам келажақда Coursera, Khanacademy, Udemy ва edX каби йирик ОООК лар каби юкори чўккиларга эришиб, бутун дунё ахлига таълим беришда илфорлар сафига кўшилади. Бу ривожланишда салоҳиятли профессор-ўқитувчиларимизнинг порталдан фойдаланиш кўникмалари мухим рол ўйнайди. Мазкур кўникмаларни шакллантириш учун санаб ўтилган хорижий ОООКлар курслари билан танишиб, уларнинг замонавий ўқитиш метод ва методологияларини ўзлаштириш ва ушбу билимлар асосида mooc.edu.uzда курслар ташкил этишини тажрибадан ўtkазиш ҳамда илфорлар сафидан жой олиш учун ташкил қилинган курсларни мунтазам такомиллаштириб бориш керак бўлади.

### **III БОБ. BLENDED LEARNINGДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

#### **3.1. Blended Learning ва касбий компетентлик.**

Blended Learning бу — аралаш таълим бўлиб, замонавий таълим технологиясидир. Унда ўқитувчи иштирокидаги таълим олиш (Brick and Mortar Education) онлайн таълим (eLearning) олиш билан бирлаштирилади ва таълим олувчи томонидан ўқув жараёнининг суръати, жойи, вакти мустақил назорат килиниши ҳамда ўқитувчи билан бирга онлайн ўқиш тажрибаси интеграцияси назарда тутилади<sup>13</sup>.

Буюк Британиядаги “Пит Шарма Ассоциацияси” директори Пит Шарма Blended learning атамаси борасида шундай дейди: “Blended learning (BL) атамасида турли воситаларнинг турли одамларга етиб бориши англашилади. Анжуманларда ҳар бир иштирокчи ушбу тушунчага доимий равиша қайтакайта мурожаат қилганлигининг гувохи бўлганман. Улар электрон материаллар, янги платформалар ва M-Learning (mobile learning) ёндашувлар борасида тўхталғанлар<sup>14</sup>. ”

Хорижлик мутахассислар Сингх ва Рид Blended learningra шундай таъриф беришган (2001 йил): “Blended learning бу “тўғри шакллантирилган” маҳоратларнинг “муносиб” инсонга “мақбул” вактда “оқилона” ўрганиш технологиясини танлаш орқали ўрганиладиган обьектга эришиш мақсади билан “мукаммал” ўрганиш усулининг алмашинувиdir.” Шунингдек, хорижий манбаларда бу ўқитиш тизимини вебга асосланган таълим аспектларининг юзма-юз таълим олиш билан аралашган таълим сифатида эътироф этилишининг гувохи бўламиз<sup>15</sup>.

Хорижий мутахассислар Женефер Хоффман ва Нанетте Майнег Blended learningнинг методологиялари борасида тўхталиб, уларни қуйидагича классификация килган:

<sup>13</sup>Clayton Christensen Institute

<sup>14</sup>Making Blended Learning work. Pete Sharma. Director of training, Pete Sharma Associates Ltd, UK

<sup>15</sup>Horton, 2002; Osguthorpe and Graham, 2003. Ms. From Shehla khan / Blended Learning vs Traditional Classroom Settings.

- синфхонада олиб бориладиган таълим;
- электрон таълим: компьютерга асосланган таълим;
- электрон таълим: вебга асосланган таълим;
- электрон таълим: асинхроник, яъни бир вактнинг ўзида амалга ошмайдиган (мустакил, кулай вактлардаги) таълим;
- электрон таълим: синхроник, яъни бир вактнинг ўзида амалга ошадиган таълим;
- мустакил таълим;
- норасмий таълим.

Blended learning анъанавий ва масофавий таълим технологияларини бирлаштиради. Ушбу таълим технологиясида анъанавий (*Brick and Mortar Education*<sup>16</sup>) таълимдан воз кечилмайди, чунки тўлиқ таълим (қатнаб ўкиш, яъни синфхонада таҳсил олиш) муҳим бўлган нутқ ва ижтимоий-маданий қўнималарни беради.

Blended learning таълим технологиясида таълим оловчи аудиторияларда ўтказиладиган дарсларда қатнашади, аммо шу билан бирга *Computer-Mediated Activities* воситаларидан ҳам фойдаланади, яъни медиатор вазифасини компьютер, онлайн-режим, мобил қурилмалар ҳамда маҳсус ўргатувчи дастурлар (*платформалар*) ҳамда ресурслар амалга оширади.

Аралаш таълим технологияси турли хил аудиторияларда қўлланилиши мумкин. Масалан, таълим оловчи ва талабаларни ўқитиши, ходимларни корпоратив малакасини ошириш, тренинглар ва ҳоказолар. Blended learning таълим технологиясининг қуйидаги синонимлари мавжуд:

*Blending Learning, Hybrid Learning (гибрид таълим), Technology-Mediated Instruction (технологиялар орқали насиҳат қилиш), Web-Enhanced Instruction (веб-кенгайтирилган ўқитиш) ва Mixed-Model Instruction (аралаш режимда ўқиттиш).*

---

<sup>16</sup>Инглиз тилида Brick and Mortar (ғишт ва эритма) деб аталиши "анъанавий", "узок вакт ичидаги қўлланиладиган" маъноларини англатади. *Brick and Mortar Education* тўлиқ таълимнинг анъанавий моделини билдиради.

**Тарихга назар.** 1920-1930-йилларда Америка Құшма Штатлари мектеблерде үкитувчи ва ўқынушылар электрон әзишувлар орқали муроқот килишни бошлашғанлиги тарихий манбаларда көлтирилген. 1970-йилларда шу каби таълим муносабатлари күпгина очик жағон университетларида күлланилған. Бу ҳаракатларни хозирда “Blended learning” түшүнчесига тенгглаштириш түгри бўлади.

“Blended learning технологияси” термини биринчи бор 1999-йилда АҚШнинг Interactive Learning Center пресс-релизида көлтирилған ва улар томонидан EPIC Learning деб юритилиши таклиф этилган.

Бугунги кунда Blended Learning деганда интернет ва синфдаги ракамли медиа таълим имкониятларининг бирлашиши назарда тутилади.

2007 йилдан бошлаб АҚШнинг Innosight Institute<sup>17</sup> ташкилоти мамлакат мектебларида аралаш таълимни амалга ошириш тажрибаларини ўрганиб келмоқда.

Гарвард университетида олиб борилған илмий изланишлар шуни күрсатдик, аралаш таълимда талабалар учун, асосийси, курснинг онлайн элементлари эмас, балки үкитувчи томонидан материал қай күриниша берилиши мухимдир. Инсон омилини юкорига күтаришга хизмат қиласидан ушбу таълим технологияси бугунги кунда катта аҳамият касб этиб келмоқда.

*Blended Learning таълим технологиясининг асосий гояси бу — таълим олувчидаги үқишининг вакти, жойи ва суръатини мустақил назорат қилиши имконининг пайдо бўлишидир. Таълим олувчи қаерда, қандай, қачон ва қандай тезлик билан үқишини ўзи ҳал қиласиди. Шунингдек, ушбу таълим тизими таълим олувчидаги үзини бошқариш қобилиятини ривожлантириши билан аҳамиятлидир.*

**Замонавий педагог-ходим Blended learning таълим технологиясидан фойдаланишда қандай компетенцияларга эга бўлиши зарур?**


Бугунги кунда замонавий педагог-ходим электрон таълим мухитидан фойдаланишда ўз компетенциясига эга бўлмаса, замонавий таълим, яъни

<sup>17</sup>Маълумот учун каранг: [www.innosightinstitute.org](http://www.innosightinstitute.org)

Blended learning таълим технологиясидан фойдаланиб бўлмайди. Афсуски, баъзи холларда, айрим педагог-ходимларимизда АКТдан фойдаланиш ёки хорижий тил, яъни инглиз тилини (куйи даражада бўлса ҳам) билмаслик муаммолари учрайди.

Фикримизни замонавий ўқитувчининг касбий компетентлигини хорижий олимларнинг таклиф килган компонентлари оркали мустаҳкамлаймиз. Туркияниг Онадўли университети профессори, доктор Киймет Селви замонавий ўқитувчининг касбий компетентлигини 9 та компонентга ажратади<sup>18</sup>. Уларнинг ичидаги 8-рақамда АКТ компетенцияси келтирилган.

**Figure 1.6  
Components of Teacher's Professional Competencies**



Source Kiymet Selvi Teacher competencies (Cultura, International journal of philosophy of Culture and Axiology, Vol. VII, no. 1/ 2010)

### 3.1. 2-расм. Киймет Селвига кўра ўқитувчи касбий компетентлиги.

Доктор Киймет Селвининг ўқитувчи касбий компетентликлари:

<sup>18</sup> Components of Teacher's Professional Competencies. Source Kiymet Selvi Teacher competencies (Cultura, International journal of philosophy of Culture and Axiology, Vol. VII, no. 1/ 2010) pp. 38-40

1. **Field competencies** – соҳа ёки фанни чукур билишдаги компетенциялар.
2. **Research competencies** – илмий тадқикот олиб боришдаги компетенциялар.
3. **Curriculum competencies** – ўкув режаси ёки таълим дастурини хам назарий ҳам амалий билишдаги компетенциялар.
4. **Emotional Competencies** – ўқитувчи ва талабанинг хиссий компетентлиги, бу компетенциялар талабанинг фанни ўзлаштиришдаги тайёргарлигини ривожлантиради, ўқитувчига эса самарали таълим беришилик имконини беради.
5. **Lifelong Learning Competencies** – умрбод таълим олиш компетенцияси, бунда ўқитувчи доимий равишда ўрганишда, изланишда бўлади, шунингдек ўқитувчи талабанинг умрбоқий қобилиятини ривожлантиришда жавобгар шахс сифатида гавдаланади.
6. **Social Cultural Competencies** – ижтимоий-маданий компетенциялар, бунда ўқитувчи инсонийлик ёндашувлари ва ижтимоий назариялар амалиётини юксалтиради.
7. **Communication Competencies** – коммуникация (мулокот) компетенциялари – бунда мулокот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсоннинг онгли равишда инсонлар ўртасида бўладиган мулокотларига ахамият берилади.
8. **Information and Communication Technology Competencies** – Ахборот коммуникацион технология компетенциялари, бу холатда ўқитувчидаги ишлаб чиқариш, ахборотни саклаш ёки мулокот орқали ахборотни ўзлаштириш кўникмалари шакллантирилади. Шуни алоҳида таъкидаш жоизки, *АКТ компетенцияси мулокот ва таълим берииш жараёнидаги энг муҳим воситадир.*
9. **Environmental Competencies** – атроф-муҳит компетенциялари, бу компетенция табиат ҳақидаги билим ва кўникмаларни, экологик ресурсларни бошқаришни, фойдаланилиши керак бўлган табиий ресурсларни ва атроф-

мухитни тоза саклашни ўз ичига олади. Ушбу компетенциялар экология ва атроф-мухитни саклашга каратилган эхтиёжлардир.

Киска килиб айтганда, *педагогнинг ахборот-коммуникацион компетентлиги бу* — ўз фани бўйича фаолият юритиши чогида ахборот-коммуникация технологияларини мустақил ҳолда қўллай олиш қобилияти ва бунга тайёр эканида намоён бўладиган педагогнинг шахсий сифатидир. АКТни кўплашда педагог барча имкониятларидан тўлаконли фойдаланишга интилиши лозим, унда куйидагилар шаклланган бўлиши зарур, улар: *билиш, ахлоқӣ, ижодӣ, коммуникатив ва эстетик меъёрлардир*. Бу имкониятлар етарлича юкори даражада амалга оширилиши учун ахборот технологиялари соҳасида **педагогик компетентлик** зарур.

Blended learning таълим технологиясида эса профессор-ўқитувчининг компетенцияси қуйидаги 6 моделда ўз аксини топиши зарур. Blended Learning анъанавий ва онлайн элементларининг ўзаро нисбати куйидаги жадвалда келтирилган.

### 3.1. 1-жадвал.

## BLENDED LEARNING ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИНГ 6 МОДЕЛИ ТАВСИФИ

BLENDED LEARNING ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИНГ 6 МОДЕЛИ	
<i>Face-to-Face (“Юзма-юз бошқариши”).</i>	Ўқитувчи шахсан таълим режасининг асосий хажмини тақдим этади, онлайн таълим олиш эса ёрдамчи восита сифатида зарурат бўлганда қўшилади. Ушбу модель кўпинча ўз ичига компьютердаги лаборатория ишларини олади.
<i>Rotation (“Ротацион (алмашинув) модел”).</i>	Ушбу холатда аудиториядаги анъанавий тўлик таълимнинг ва шахсий режимда мустақил онлайн таълимнинг дарс жадвали ротация (алмашинади) килинади. Ушбу модель ўқитувчи томонидан тайёрланган линклар режаси бўйича маҳсус сайтда ОТМнинг blended дастурида амалга оширилади.

<i>Flex model</i> (“Мослашувчан модел”).	Бунда күпроқ онлайн платформа күлланилиб, ўқитувчи талабаларини құллаб туради, гоҳ-гохида кичикрөк гурухлар ёки алохидә ўқитувчилар билан ишлайды.
<i>OnlineLab</i> (“Онлайн лаборатория”).	Ушбу модельда аудиториядаги дарслар мобайнида бутун курсни узатиши учун онлайн платформадан фойдаланилади. Ушбу таълим жараёни ўқитувчи назоратида амалга оширилади. Бу холатда ушбу дастур анъанавий дастур билан дарслар жалвали орасыда бирлашиши мүмкін бўлади.
<i>Self-Blend</i> (“Ўзинг аралаштириш модели”).	Таълим олувчи ёки талаба ушбу модельда кайси “Brick and Mortar” курсларини онлайн машғулотлар билан бойитишни ўзи ҳал килади.
<i>Online Driver</i> (“Онлайн бошқармиш модели”).	Ушбу модельда, асосан, онлайн таълим кўзда тутилади. Бунда ўқитувчи билан талаба ўргасида узоклаштирилган алоқа ўрнатилади. Бирок бунга текширилувчи машғулотлар ва вазифалар хамда ўқитувчи билан учрашувлар кўшилиши мумкин.

*Blended learning таълим технологияси мустақил ва эркин таълим олишига имкон берадими?*

Ха, албаттa. Замонавий таълим жараёнига ўтишда мустақил ишнинг ҳиссасини ошириш орқали аудитория ва маъруза юкламаларининг камайтирилишига ургу берилади.

Бугунги кунда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар нисбатини аниклашда мустақил ишни ташкил этишга эътибор қаратиш зарур бўлади. Мустақил таълимни айнан Blended learning таълим технологияси орқали мустаҳкамлаш максадга мувофик.

Бу билан профессор-ўқитувчининг электрон таълим мухити орқали талabalар билан ишлашдаги компетентлигига ахамият берилади.

ОТМда мустақил ишнинг аудитория ва аудиториядан ташқари ўқитиш жараёнини ташкил килиш таълим бериш асоси ҳисобланади. Мустақил ўқиш инсоннинг мустақил фикрлаши, ҳолатни баҳолаши, хулоса ва баисорат қилиши кобилияtlарини ривожлантиради.

Blended learning таълим технологияси орқали талабалар мустакил, эркин ва ихтиёрий билим олиш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита алока бўлмаганлиги учун талабаларнинг ўзлаштириш даражаси бевосита унинг интеллектуал томонларига боғлик, кўргазмаликнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш яъни эшиши, кўриш, идрок килиш, эсда саклаб колиш, тушуниш фикрлашда техник жараёнларнинг фаол иштироки ёрдамида эгалланётган билим моҳиятини чукурроқ англашга ёрдам беради.

Бугунги кунда Blended learning таълим технологияси ривожланиб бормоқда, натижада ўкув материалининг бир қисми электрон курс шаклида, қолгани эса аудиториядаги машгулот шаклида амалга оширилмоқда.

Аралаш таълим талабалардан ўз ўкув жараёнини бошқаришни, юкори даражада ташкилотчиликни, маълум қобилияtlарни, таълим олиш жараёни натижаларини баҳолашни талаб этади. Бундан ташкири, талаба ўкув материалини ўзлаштириш учун уни мустакил равишда умумлаштириши, бажарилган ўкув ишлари ва топширикларни бажаришдаги фаолиятини тахлил қилиши ва баҳолаши керак.

Шундай килиб, Blended learning таълим технологияси орқали талаба ўқитувчи билан бирга назорат ишларини бажаришга кай даражада тайёр эканлигини мустакил баҳолаши лозим.

Электрон таълим жараёнини ташкиллаштириш ҳозирги замон талаби хисобланиб, мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар жаҳон андозаларига мослаштирилишни ва энг самарали усулларга асосланишни такозо этмоқда. Шунинг учун Blended learning (аралаш таълим, анъанавий ва электрон таълим) асосида таълим тизимини ташкил этиш йўлга қўйилса, таълим самарадорлигининг оширилишига эришиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда Blended learning таълим технологияси ва модул тизимида ўқитишиш ишларини такомиллаштириш ва оммалаштириш энг долзарб вазифалар сирасига кириши керак. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини чукур ўрганиш орқали Blended learning таълим

технологиясининг миллий моделини яратишга киришилса ҳамда ҳар бир соҳа профессор-ўқитувчисида бу таълимдан юқори савиядада фойдаланиш компетентлиги шаклланса, максадга мувофиқ бўлар эди.

### **3.2. Анъанавий таълим ва электрон таълим (ёки Blended Learning)нинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда уларнинг қиёсий таҳлили.**

Олий таълим жараёнига Blended Learning каби педагогик технологияларни татбик этиш анъанавий ўқитиш тизимининг мукобили сифатида хизмат килиши зарур. Технологик ёндашув орқали ўкув машғулотида юқори даражадаги натижага эришиш мумкин.

Бугунги кунда ўқитиш тизими таълимга бўлган анъанавий қарашларни замон талабидан келиб чиқсан ҳолда, янги назар билан кўриб чиқишни ва янгича ёндашув кўникмаларини эгаллаш масалаларини талаб этмоқда. Бу эса, ўз ўрнида, инновацияларни фаол татбик килиш, илм-фан ва ишлаб чиқаришни таълим жараёнига интеграция қилишни тақозо этмоқда. Таълим – бу келажагимиз демакдир. Таълим тизимига ёндашувни кайтадан кўриб чикиб, анъанавий ўқитиш моделига янги ўқитиш стандартларини киритиш зарур. Ҳозирги кунда Blended Learning таълим технологиясини икки параметр бўйича таснифлаш мумкин. Биринчиси дарсни ташкил этилиш модели бўйича, иккинчиси эса анъанавий ва онлайн элементларнинг ўзаро нисбати бўйичадир.

Анъанавий таълимдаги мавжуд тўсикларни бартараф килиш ҳамда ўқитиш жараёнини максимал даражада самарали ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни барпо этиш максадида таълим жараёнининг бош бўғинларини аниклаб, уларнинг кучли ва зииф томонларини белгилаб олиш максадга мувофиқдир. Шунинг учун замонавий таълим технологияларини кабул килишдан аввал анъанавий ва бошқа таълим технологияларнинг жиддий қиёсий таҳлилини кўриб чиқиш лозимдир.

Шу муносабатдан келиб чикиб, анъанавий таълим тизими ва электрон таълим ёки Blended Learning таълим технологиясининг SWOT тахлилини амалга оширидик.

### 3.2. 1-жадвал

#### АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ (SWOT ТАХЛИЛ)

STRENGTHES (Кучли томонлари)	WEAKNESSES (кучсиз томонлари)
<ul style="list-style-type: none"> <li>-ёзма фикр-мулоҳазаларнинг (feedback) тезликда топширилиши;</li> <li>-ўқитувчи ва талабанинг бир-бирларини танишлари;</li> <li>-талабаларни мотивация килиш;</li> <li>-ижтимоий жамоанинг яхшиланиши;</li> <li>-таълимнинг барча соҳалари тӯлиқ қамраб олингандиги;</li> <li>-доскада ишлаш орқали талабаларнинг диккатини тӯлиқ жалб килиш;</li> <li>-фанлардан назоратли дафтарлар тутишнинг йўлга кўйилиши;</li> <li>-жамоа олдида ўзни тута билишни ўзлаштириш;</li> <li>-мълум бир ОТМ тавсия этган формада дарсга келиш, кийиниш одобини ўрганиш;</li> <li>-тартибни ўрганиш ва интизомнинг яхшиланиши.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-ўқитувчи марказда туриши;</li> <li>-вакт ва маконнинг чегаралангандиги;</li> <li>-маълумотни ётказишида кўпроқ пул сарфлаш;</li> <li>-жуда кам маълумотга эга бўлиш;</li> <li>-хар хил савияли талабалар;</li> <li>-давоматнинг олиб борилиши.</li> </ul>
OPPORTUNITIES (Имкониятлари)	THREATS (Тусиклар)
<ul style="list-style-type: none"> <li>-нотиклик санъатини ўзлаштириш;</li> <li>-жонли мулокот;</li> <li>-ўқитувчи ва талаба ўртасида ўзаро хурмат тушунчасининг бардавомлигини таъминлаш;</li> <li>-етакчи талабани жамоа олдида рагбатлантириш;</li> <li>-миллий истиклол гояси, адабиёт, тарих ва маънавият дарсларида қадриятларнинг улугланишига эришиш;</li> <li>-ватанпарварлик ҳиссиининг ёшлар онига бевосита сингиб бориши;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-амалий-семинар машгулоларида кўп сонли талабаларнинг иштирок этиши;</li> <li>-талабани объектив баҳолашда нохолисликка йўл кўйиш;</li> <li>-паст ўзлаштирувчи талабага эътиборнинг сустлиги ва уни кўпчиликнинг олдида уялтирилиши;</li> <li>- кўчирмакашликка имкон яратилиши;</li> <li>- кераксиз маълумотлар олиниши;</li> <li>-фақат давомат учун келувчи талабаларнинг шакллантирилиши.</li> </ul>

-электрон қурилмаларнинг нурларидан холи бўлган ҳолда таълим олиш;  
-мустахкам соғликка эришиш;

3.2. 2-жадвал

## ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ЁКИ BLENDED LEARNING (SWOT ТАХЛИЛ)

<b>STRENGTHES</b> <b>(Кучли томонлари)</b>	<b>WEAKNESSES</b> <b>(кучсиз томонлари)</b>
<p>-талабабининг марказда бўлиши ва мустакил ўз-ўзига туртки бериш орқали таълим олиши;</p> <p>-вақт ва маконнинг чегара билмаслиги;</p> <p>-талабалар учун арzon ва самарали таълим олиш имконияти;</p> <p>-глобал аудиторияга чиқиш эҳтимоллиги;</p> <p>-билим олишда чегаранинг йўклиги;</p> <p>-архивда сакланадиган маълумотлардан кайта-кайта фойдаланиш ва бошқалар билан ўртоқлашиш қобилиятига эга бўлиш.</p>	<p>-ёзма фикр-мулоҳазаларни (feedback) бир вақтнинг ўзида топшириша оқсаш;</p> <p>-ўқитувчida улгурмаслик ҳолатларининг юзага келиши;</p> <p>-баъзи инсонларга нокулайлик түғдириши;</p> <p>-умидсизланиш, хавотирланиш ва чалкашликларга сабаб бўлиши;</p> <p>- маърузанинг электрон нусхалари билан кифояланиш;</p> <p>-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги жонли мулоқотнинг пасайиб бориши;</p> <p>-вилоятларимизда АҚТга бўлган эҳтиёжнинг ҳамон мавжудлиги.</p>
<p style="text-align: center;"><b>OPPORTUNITIES</b> <b>(Имкониятлари)</b></p> <p>-таълим самарадорлигига эришиш имкони бор<sup>19</sup>;</p> <p>-якка ҳолда таълим олиш имконияти;</p> <p>-вақт тежалишига эришиш;</p> <p>-таълим олиш ресурсларига биринкетин етиб боришга имкон бўлиши;</p> <p>-ўзаро мулоқот ва ҳамкорликда таълим олиш;</p> <p>-пулни тежаш орқали самарали таҳсил олиш стратегиясига эришиш;</p> <p>-талабабининг юқори даражада банд бўлиши;</p> <p>- муваффакиятли баҳолаш;</p> <p>-яхши онлайн мулоқот;</p> <p>-мослашувчан таълимга йўл</p>	<p style="text-align: center;"><b>THREATS</b> <b>(Тўсиклар)</b></p> <p>-маълумотларнинг (вирус тушиши туфайли) ташки таъсирандan йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли борлиги;</p> <p>-маълумотларнинг хакерлар хужумига учраши оқибатида базанинг ўғирланиши ёки йўқ килиниши;</p> <p>-смартфондан фойдаланишга рухсат бериш (бунда сезидирмасдан ўқитувчининг овозини ноконуний ёзиш ёки видео тасвирга олиб, ижтимоий тармокка қўйиб юбориш ҳолатига шароит яратиб бериш);</p> <p>-интернетдан нотўғри йўлда фойдаланиш (дарс мобайнинда агар</p>

<sup>19</sup><http://www.dreambox.com/blog/five-benefits-of-blended-learning>:  
<https://raccoongang.com/blog/advantages-and-disadvantages-blended-learning/>

<ul style="list-style-type: none"> <li>-очилиши;</li> <li>-ўкувчи ёки талабаларда исталған манзилда туриб маълумотларни олиш имконияти бор;</li> <li>-масофавий таълимнинг юкори даражада йўлга қўйилиши;</li> <li>-кам харжли онлайн курсларда таҳсил олиш (исталған мамлакат ОТМсининг сертификатини олиш имконияти бор);</li> <li>-бепул ООКларда таҳсил олиб, сертификатларга эга бўлиш;</li> <li>-имконияти чекланган ўкувчи ва талабаларнинг масофадан туриб таҳсил олиши.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>маъруза зерикарли бўлса) талаబанинг дарсга алокаси бўлмаган сайтларга кириши;</li> <li>-электр тизимида носозлик юзага келиши оқибатида ресурслардан маълум вақт узилиш;</li> <li>-миллий кадрлар тайёрлашда одобахлок коидаларининг ёмонлашиши;</li> <li>-таълимнинг тўхтаб колиши.</li> </ul>
---	--

### **3.3. Илғор хорижий тажрибалар орқали касбий компетентликни такомиллаштириш (Blended learning ва масофавий таълим технологияларининг афзалликлари)**

Республика ОТМлари тизимида профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори ташкил этилган бўлиб, бунда Бош илмий методик марказ, кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтакавий марказлари айнан хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг **Харакатлар стратегияси** устувор йўналишларига мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПК-2909-сон Карори қабул килинган. Ундағи устувор вазифалар сиफатида күйидагилар белгіланған:

- ҳар бир олий таълим муассасасы жағоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқын ҳамкорлық алоқалари үрнатыш;
- ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланған илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалдарини көңг жорий қилиши;
- ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиши;
- магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни малакасини оширишни хорижий таълим ва илмий муассасаларда ташкил қилиши вазифалари.

Касбий компетентликни такомиллаштиришда илғор хорижий тажрибалар ва замонавий ёндошувлар асосида олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўқитиши шакллари ва услубларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли карори билан тасдиқланған “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тұғрисидаги Низом”ға тегишли күшимчалар киритилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февральдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланды.

Бугунги кунда малака ошириш ва қайта тайёрлов курслари тингловчиларига (агар курсдан биринчى марта ұта олмаган бұлсалар) электрон таълим мухитида масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали касбий компетенцияларини такомиллаштиришлари учун көңг шароит яратилди. Масофадан ўқитиши курсларининг дастурий платформаси, ўқув-методик ресурсларини яратища илғор хорижий тажрибалардан фойдаланилди.

Масофавий таълим билан биргаликда Blended Learning таълим технологияси касбий компетенцияларини такомиллаштириш учун мухим илғор хорижий тажриба воситаси вазифасини ўтайди.

Blended Learning таълим технологиясининг афзаликлари юкоридаги фаслларда хам кисман ёритиб ўтилди.

### 3.2. 3-жадвал

## BLENDED LEARNING ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ (АФЗАЛЛИКЛАР ВА ШАРХЛАР)

BLENDED LEARNING ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ АФЗАЛЛИКЛАРИ	
<b>1. Талабанинг ўқитувчи билан доимий алоқада бўлиб туриши</b>	Бунда талабанинг ўқитувчига электрон почта орқали хабар ёзиши ва қисқа вакт ичida жавоб олиши мумкин бўлади. Ўқитувчини ОТМда кутиш шарт эмас. Агар бирор муаммо сабаб учрашиш зарур бўлиб колса, ўқитувчининг вактини электрон почта, форум ёки чат орқали аниклаш имкони бўлади.
<b>2. Бирлаштирилган ва мустақил таълим тажрибаси</b>	Бунга асинхрон <sup>20</sup> интернет коммуникациялар технологиялари киради. Ушбу аҳборот ва коммуникация технологиялари талаба ва ўқитувчи орасидаги алоқани яхшилаш имконини беради. Хорижлик мутахассис Александр Мак Кензи 1998 йилда ўтказган тадқикотларига кўра, талабаларни компьютер баҳолаш модуллари орқали баҳолаш кулагоқдир.
<b>3. Иш унумдорлигининг ошиши</b>	Бунда ўқитувчи бир вақтнинг ўзида кўплаб талабалар билан ишлаши мумкин бўлади. Blended learning ўқитувчиларга ресурсларни кайта таксимлаш ва талабаларнинг ўзлаштиришларини ижобий томонга ўстириш имконини беради. Бу афзалик Сан Хосе шаҳридаги

<sup>20</sup> Асинхрон ўқитиш ўкувчи еки ўқитувчи иштирок этмаган холатда хам амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчиларга веб, электрон почта ва хабарлар орқали етказиладиган, бирлашма форумларда жўнатиладиган курс ишлари ва хабарлар асинхрон электрон ўқитишга мисол бўлади.

	<i>Rocketship Education</i> мактаблар тизимида муваффакиятли текширилган. Blended Learningдан фойдаланадиган Nexus Academy ва Clayton Christensen Institute ўқитувчилари хам шундай хуносага келишган.
<b>4. Таълим олишда индивидуал ёндашув ва унинг назорати</b>	Бунда ўқитувчидаги талабаларнинг топширикларни бажаришдаги тезлигини, вазифаларнинг муваффакиятли амалга оширилаётганинги ҳамда бажариш вактини назорат килиш имкони бор. Бу эса ҳар бир талабанинг ўзлаштиришини назорат килиш ва камчиликларни тўғрилашга имкон беради.
<b>5. Вакт ва жой танланмасдан билим олиш имкониятининг борлиги</b>	Ер юзининг исталган нуқтасида, уйда, ишда, интернет-кафеда, шу билан бирга материалларни юқлаб олиб, онлайн режимида ишлаш имкони мавжуд. Барча материаллар бир жойда бўлганлиги сабабли таълим самаралироқ бўлади.
<b>6. Кўп маротаба кўллаш контенти.</b>	Бир нечта фанлардан тақорорланадиган мавзуларни қайта ёзмасдан, аввал ёзилганларини кўллаш орқали таълим олиниди. Бу университетларда кўпроқ кўлланилади. Шунингдек, бу афзаллик янги курсларни ишлаб чиқишида вактни тежайди ва сарф харажатларни камайтиришга ёрдам беради.
<b>7. Таълим олишда вакт тежалади ва молиявий харажатлар камайтирилади.</b>	Ушбу афзаллик таълим муассасаларига ва ўқувчиларга бирдек таалукли булиб, бунда таълим муассасалари ўкув курсларини яратишга кетадиган вакт ва маблағларини тежайди, бироқ бунда фаолият тезликда амалга ошмаслиги мумкин.
<b>8. Дидактик ёндашишлар хилма-хиллиги.</b>	Билим олишда турли усуллар афзал кўрилади, масалан: айрим таълим олувчилар эшитиш орқали маълумотларни, баъзилар эса кўрганларини ёки ўқиганларини яхши ўзлаштирадилар. Blended Learningда барча ўкувчи-талабалар ўзлари хоҳлаган маълумотларни олиш усулларини танлашлари мумкин. Бунда курснинг ўкув материалларига аудио ёки видео-маъruzаларни, турли жадвалларни,

	чизмаларни жойлаштириш мумкин.
<b>9. Маълумотларни тұплаш, баҳолаш ва билимни табакалаштириш имкони.</b>	Бунда үқитувчи курсни яратында топширикларни мураккаблигига қараб уларни табакалаштиришига, шу билан биргә үқитувчидә таълим олувчи бақарған вазифаларни мураккаблик даражасига қараб баҳолаш имконияти бўлади.

Blended Learning таълим технологияси деганда, биринчи навбатда масофавий таълим технологияси ёдимизга келиши табиий. Куйида ушбу таълим технологиясининг афзаликлари борасида тұхталамиз.

Масофавий таълим технологияси *анъанавий таълим тизимини* амалга оширишда дуч келган муаммоларни ҳал этиш ёки шарт-шароит ушбу жараённи такозо қылғанда күлланилади. Бу жараён замонавий таълим технологияларидан таълим самарадорлигини оширишда фойдаланишга замин яратади.

“Масофавий таълим” тушунчаси фанга үтган аср 90-йилларида кириб келган. Инглиз тилида “Масофавий таълим” (distant education) “Масофада үқитиш” (distant learning) каби вариантларда хам күлланилади. Таълим жараёнларини телекомуникациялардан фойдаланған ҳолда ташкил этишни эса (tele training) деб юритилади.

“Масофавий таълим” тушунчаси бу — таълим үқув ахборотларини олувчига масофада туриб етказиб беришни таъминловчи (сунъий йұлдош, телевидение, компьютер тармоклари ва бошқалар орқали) янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланған маҳсус таълим хизматлари түплами сифатида эътироф этилган.

#### *Масофавий таълим афзаликлари:*

- тезкорлик фазо ва вакт бүйича тұсикларнинг йүклигі, янги долзарб ахборотларни олиш;
- ахборот таълимий мотивларининг ортиши (тармокдаги ахборотлар);
- коммуникацион таълимнинг потенциал иштирокчилари сонининг ортиши;

-педагогик таълимнинг янада кўпроқ мотивлашиши, индивидуаллашиши, интерактив (таълим иштирокчилари ўзаро таъсирининг фаоллашиши, тескари боғланишнинг мавжудлиги) бўлиши;

- психологик ўкувчи (талаба)ларнинг ўз-ўзини намоён этиши учун янада яхшиrok хиссий-психологик шароитлар яратилиши, тўсикларнинг бартараф этилиши;

- иқтисодий таълим учун сарф-харажатларнинг камайиши.

Масофавий таълим жараёнини ташкил этиш турли хусусиятларга асосланган ҳолда олиб борилади.

Масофавий таълимни ташкил этиш турлари асосида олиб борилган ўқитиш жараёнлари мустакил таълим олишда ўз самарадорлиги билан ажralиб туради.

Blended Learning таълим технологияси орқали ОТМ талабаларини масофали ўқитиш шаклларининг интеграцияси ҳам кўзда тутилади.

Уларни куйидаги афзалликлар орқали тушунтириш мумкин:

- ОТМнинг кундузги бўлимида таҳсил олаётган талабалар масофали ўқитиш курсларининг дастурларидаги фанларни ўқийдилар;

- ушбу ОТМнинг ўқитувчиси ўқиётган кундузги курслари билан параллел равишда ва кисман ўкишлари мумкин;

- анъанавий курслар доирасидаги виртуал маъruzалар, семинарлар ва тақдимотлар кўринишидаги машғулотлар алоҳида шаклларининг бирлашмаси бўлиши мумкин;

- ОТМ ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари билан қанчалик юқори жихозланган бўлса, шунчалик ўқитиш шакллари турли-туман бўлади.

Интеграллашган бу каби курслар Янги Зеландиядаги Массей университетида ташкил этилган<sup>21</sup>.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, Blended Learning таълим технологиясини ташкил қилишда ОТМ профессор-ўқитувчиси

<sup>21</sup>Massey University, New Zealand – <http://www.massey.ac.nz>

аудиториянинг холати, ўрганувчининг истак-хошиши ва моддий техник базанинг қай даражада эканлигини инобатга олиши зарур. Бу таълим тизимини бошқаришда касбий комплентлик жуда муҳимдир.

#### **IV БОБ. ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТУРЛИ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКЛАРИ.**

##### **4.1. Иктисолд соҳасидаги педагог-кадрларнинг электрон таълим мухитида касбий компетентлиги**

Иктисолий фанларнинг жамият тарақкиётида ахамияти ва роли тобора ортиб бормокда. Шу билан бирга бу фанларни ўқитиш ва ўргатиш педагог ходимларга янгича талаблар ўрнатиб келмокда. Иктисолий фанлар ўз моҳиятига кўра кишилик жамиятидаги ўзгаришларга тезкор тарзда муносабат билдирувчи, динамик тарзда ривожланувчи фанлар сирасига киради. Иктисолиёт ҳукукшунослик, сиёсатшунослик, статистика, математик-статистика, информатика, фалсафа, тарих ва бошқа бир қанча кишилик жамиятини, одамларнинг бир-бирига муносабати ва ижодкорлигини, жамият тарақкиётини ўрганувчи фанлар билан ўзаро боғликлек ва уйғунликда ривожланади. Инсоният томонидан яратилган моддий ва номоддий бойликларни тежаб-тергаб ишлатиш, улардан оқилона фойдаланиш борасидаги билимлар, маънавий қадриятларни ўкувчилар онгига сингдириш, талаба-ўкувчиларда иктисолий маданиятни, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган ҳолда шакллантириш айнан шу соҳа педагоглари зиммасига юкланди. Ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган педагоглардан тинимсиз изланиш, ўзи устида ишлаш, касбий малака ва қўнималарини ривожлантириб бориш талаб этилади. Касбий компетенция шартли кўрсаткич бўлиб, у доимий тарзда ривожлантириб боришни талаб этади. Бунинг учун эса албатта Оммавий очик онлайн курслар (ОООК) педагогларнинг мухим ёрдамчиларидан биридир. ОООКнинг жаҳон илм-фанидаги ютуклари, сўнгги янгиликлар ва инновацион гояларини ўзлаштириб боришдаги ўрни бекиёсdir.

Юкоридаги бобларда келтириб ўтилганидек, айни пайтда, таълим тизимини модернизациялаш концепцияси асосини юкори малакали, меҳнат бозорида ракобатбардош, юкори компетентли, ўз ишига масъулиятли, мутахассислиги соҳасида жаҳон стандартларига тўла мос равишда самарали

фаолият кўрсатадиган, ижтимоий ва профессионал мобиликка эга, узлуксиз тарзда касбий ўсишга интигувчи педагогни тайёрлашни ташкил этади. Шундай экан, таълим тизимида фолият юритувчи хар бир педагогнинг ўз касбий компенетлигини ривожлантириб бориши, ўз мутахассислиги бўйича малакасини доимий ошириб, жаҳон тажрибаси ва илм-фан янгиликларидан мунтазам равишда хабардор бўлиб бориши давр талабидир. Тарихан олиб қаралганда жаҳон таълим соҳасида кенг муваффакият билан фаолият кўрсатиб келаётган ОООК тизимининг жорий этилганига ҳали кўп вакт бўлгани йўқ. Лекин бу тизимнинг бир катор афзалликлари унинг тезкор тарзда оммалашувига олиб келди. Ҳозирда фаннинг ҳар қандай соҳаси вакили ОООК оркали ўзининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича эҳтиёжларини эркин тарзда қондира олади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, техник, иктисадий, табиий-илмий йўналишдаги курсларнинг сони бошқа фан соҳаларига нисбатан кўпроқ. Айниска иктисадий фанлар юзасидан таклиф этилаётган ОООК курслари сони ниҳоят даражада юкори. Бунинг асосий сабаби, иктисадий фанларнинг тезкор тарзда ривожланиб борётгандиги, жаҳондаги иктисадий ўзгаришларни башоратларга бўлган эҳтиёжнинг тинимсиз ортаётгандиги, фаннинг маркетинг, маркетинг тадқикотлари йўналишларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши билан изохланади. Яна бир мухим жихат шундан иборатки, иктисадий фанлардан ўқув курслари микдорининг ортиб бориши уларни танлаш ва сифатли, талаб даражасидаги курсларни ажратиб олиш имкониятини тобора кийинлаштириб бормокда. Шунга карамай, иктисадий соҳа педагоглари ҳам жуда кўплаб ОООКлари оркали ўз касбий компетентликларини доимий ривожлантириб боришлари мумкин.

Мазкур лойиха ишини тайёрлаш давомида иктисадий соҳа педагоглари учун фаолият кўрсатиб келаётган бир канча ОООКлар билан танишиб чиқдик. Айни пайтда, бу йўналишда Coursera.org – <https://www.coursera.org/>, EdX – <https://www.edx.org/>, Udemy – <https://www.udemy.com/>, LinguaLeo – <http://lingualeo.ru/>, busuu – <http://www.busuu.com/enc/>, TED – <http://www.ted.com> –

<http://www.ted.com/>, Udacity-<https://www.udacity.com/>, u Eun -  
<https://www.uEun.com/>, Iversity <https://www.ivesinri.org/>, Crypt4you -  
<https://www.crypt4.com/>, OpenupEd - <https://www.openuptd.org/>, EduKart -  
<http://www.edukart.com/enc> каби платформалар томонидан тавсия этилаётган  
таълим курслари фикримизнинг далилидир. Лойиха ишининг белгиланган  
режасига мувофик юкорида номлари келтирилган сайтлар оркали тақдим  
етилаётган ОООКларнинг айримларига алоҳида тӯхталиб ўтамиз.

Иктисадчи педагог ўқитувчилар учун Coursera.org –  
<https://www.coursera.org/> сайтида Миллий тадқикотлар университети  
“Иктисадиёт олий мактаби” (Национальный исследовательский университет  
“Высшее школа экономики” томонидан тақдим этилган “Микроиктисадиёт  
асослари” ОООКлари билан танишдик. ОООКнинг муаллифи профессор  
Костантин Сониндир. Курс иктисадий фанларнинг мухим жиҳатларини  
камраб олган микроиктисадиёт масалаларига қаратилган.

## Основы микроэкономики (Microeconomics Principles)

Об этом курсе: В данном курсе микроэкономика раскрыта в ее основных инструментах: экономического анализа, которые позволяют начинать анализировать любые явления в обществе, подать им ясную и логичную формулировку и определить их место в общем контексте. В основе курса лежат основные принципы экономического анализа, которые включают в себя: методы математического моделирования, а также методы статистического моделирования. Для изучения курса не требуется специального образования или знаний в области математики, физики, химии и т.д. Математические аппараты подаются по мере необходимости. Самые сложные математические достоинства курса – это не производство – производство общего смысла – производство функции. В конце каждого занятия можно ознакомиться с помощью физических и дополнительных материалов курса или же покончить с помощью практик в виде задач и тестов на различные понятия, предложенные для изучения на текущем занятии. В последнем

видео

для курса введен тестовый задание, которое необходимо пройти для выдачи сертификата. Для получения сертификата необходимо выполнить все задания курса, а также сдать тестовый задание. Тестовый задание состоит из нескольких вопросов, которые необходимо отвечать на правильность. В конце каждого занятия можно ознакомиться с помощью физических и дополнительных материалов курса или же покончить с помощью практик в виде задач и тестов на различные понятия, предложенные для изучения на текущем занятии. В последнем

COURSERA

Изучите

Основы микроэкономики

Преподаватель: Константин Сонин

Задачи и практики на блокчейне

Обзор

Программа курса

Часто задаваемые вопросы

Помощь

Бесплатно

**4.1.1-расм Coursera платформасидаги Микроиктисадиёт асослари курси.**

Мазкур курс 10 хафтага мўлжалланган бўлиб, унда мавзулар бўйича 56 та видеоматериаллар, 22 та мустакил таълим олиш учун маълумотлар, 9 тестдаги саволларни ойдинлаштириш учун маълумотлар ва 10 мавзуни мустаҳкамлаш учун яна кўшимча 9 та видео материаллар келтирилган. Курс мавзулари куйидагича келтирилган:

1. Микроитисодиёт нима дегани?
2. Тараб ва таклиф
3. Истемолчининг хатти характери
4. Фирма иктиносидиёти
5. Рақобатли бозор таҳлили
6. Бозордаги хукмронлик
7. Стратегик рақобат
8. Ижтимоий неъматлар
9. Хатар ва молиявий хатар
10. Аукционлар таниширади.


Ушбу курсда таълим олган профессор-ўқитувчилар ва талабалар микроитисодиётнинг назарий муаммоларини, асосий тушунчалар ва тушунчалар тизимини, фаннинг замонавий ёндашув услубларини, хозирги холати ва ривожлантириш тенденцияларини мисоллар ёрдамида визуал тартибда танишиб чиқади. Микрокўламда иктиносидий ходисаларни ўрганишда анъанавий ва замонавий ёндашувларни таҳлил килиш, иктиносидий макондаги вазиятни фирма ва истемолчи нуктаи назаридан илмий шарҳлаш, бозордаги вазият билан боғлик масалаларини муҳокама қилишда профессионал позицияни кўрсатта олиш малакаси; мавзу бўйича янги ахборотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, иктиносидий жараёнларнинг асосий хусусиятларини ўзлаштирадилар, шу соҳа бўйича чукур билим ва малакаларга эга бўладилар.

Мазкур курс давомийлиги 10 хафтага мўлжалланган бўлиб, хафтасига 3 ёки 4 соатдан тингловчи хоҳишига кўра режалаштирилади. Курс бепул,

ортинча ҳаражат талаб этмайди. Курсни муваффакиятли якунлаган тингловчиларга малака сертификати тақдим этилади.

Ана шундай ОООКлардан яна бири Khan academy (<https://www.khanacademy.org/>) сайти. Бугунги кунда энг муваффакиятли ОООК лойихаси ўз олдига энг аввало тижорат, яъни маблағ топиш максадини қўймайди.

Курс бешта катта бўлимдан ташкил топган. Ҳар бир бўлимда 4 ёки бешта мавзу ёритилади. Мавзулар бўйича жами 42 та видео материаллар ва 32 та қўшимча материаллар тақдим этилган.



#### 4.1.2-расм. Khanacademy оркали тақдим этилган Микроиктисодиёт курси.

Ушбу курсда ўкиш жараённида тингловчилар микроиктисодий масалаларни, муаммоларни ҳал этиш жараённида турли илмий ёндашувларни кўллаш, микроиктисодиёт ва бошқа иқтисодий фанлар билан боғлик илмий адабиётлар билан мустақил ишлаш, фаннинг муаммолари бўйича материалларни тахлил килиш ва тушунтириш; иқтисодиётнинг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб бориш учун назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш каби малака ва кўникмаларга эга бўладилар. Мазкур курс 12-15 хафтага мўлжалланган бўлиб, хафтасига 3 ёки 4 соатдан тингловчи хошишига

кўра режалаштирилади. Курс бепул, ортиқча харажат талаб этмайди. Курсни муввафқиятли якунлаган тингловчиларга малака сертификати берилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки хозирги кунда профессор-ўқитувчиларнинг салмокли кисми инглиз тилида мулокот килиш, ушбу тил оркали профессинонал тарзда ёндошиш малакасига эга эмас. Ана шу каби бўшликлирларни тўлдириш кўпинча рус тилида олиб бориладиган ООК оркали амалга оширилмокда.

The screenshot shows the homepage of the INUIT website. At the top, there is a banner with text in Russian: "Мы пишем курсы, покупаем и публикуем их для вас бесплатно. Поддержите ИНТУИТ". Below the banner, there is a navigation bar with links: Я Учебы Академия Учителя Рейтинг Вопросы Магазин Стартапы Финансовый анализ Тесты Контент-менеджер Технологии Новости Точки Акции. There are also links for "Моя страница", "Моя учеба", "Я обучаю", "Я обучаюсь", "Личный счет", and "Мой магазин".

The main content area features several course advertisements:

- Финансовый анализ**: "Узнавший Kantol'din Йондошиносин, поддержан с успешным завершением курса! Вы успешно сделали ходьбы по курсу «Финансовый анализ» и Вам выписан бесплатный онлайн-сертификат на русском языке. Благодаря этому вы можете открыть собственный бизнес!"
- Карандашный рисунок**: "Экспресс-курс с проверкой педагогом. Ваш первый шаг в обучении рисованию. Сидите дома."
- Финансовый анализ**: "Узнавший Kantol'din Йондошиносин, Вы записались на бесплатное самостоятельное изучение курса «Финансовый анализ» с выдачей онлайн-сертификата. Вы также сможете оформить доставку бумаги-отправителя! Печати и пропечати."

On the left side, there is a sidebar with user profile information and course categories:

- Кантолдин Йондошиносин
- Фотография
- Личный кабинет
- Настройки профиля
- Мои курсы
- Обучение
- Личный счет
- Магазин
- Время 51:16
- 2018-07-10
- 2018-07-10

### 3.1.3-расм. Интуит очик миллий университет сайти.

Ана шундай ООКлардан бири Интуит очик миллий университети сайти хисобланади. Интиутда фан йўналишларининг деярли барчаси камраб олинган бўлиб, доимий тарзда материаллар янгиланиб борилади. Юкорида тилга олинган микроинтесиёт бўйича ўкув курслари хам сайттда ўз аксини топган. Мазкур курс 9 хафтага мўлжалланган бўлиб, ҳафтасига 3 ёки 4 соатдан тингловчи хошишига кўра режалаштирилади. Курс давомида 21 видеоматериал ва 19 та мустакил таълим олиш учун қўшимча материаллар

такдим этилади. Курс бепул, ортиқча харажат талаб этмайди. Курсни мұваффакиятли якунлаган тингловчиларға малака сертификати берилади.

#### 4.1.1-жадвал

#### Микроқтисодиёт фани бүйічә ООК лари томонидан тақдим этилаётган курсларнинг таққослама тахлили

ООК ташкил этиувчилар	Курс давомийтігі (хафта)	Тақдим этилаёттан видеоематериаллар сөзі	Күшімча үзлаштириш учун тақдим этилген материаллар сөзі
Coursera	10	56	22
Khan Academy	12-15	42	25
Интуит	9	21	19

Иктисодиёт соҳаси мутахассисларидан замонавий таълим амалиётини ривожлантириш педагогик фаолиятнинг янги мазмунли ва процессуал хусусиятларининг үзлаштиришлари, шу билан бирга, үкув жараёнда инновацияларни жорий этиш даражасини үkituvchinинг реал иш шароитига мослаш, бу вазифаларни бажариш учун үзларида етарлича юкори компетентликни ривожлантиришлари талаб этилади.

Юкоридагилардан шундай хulosага келиш мүмкінки, педагогнинг үз касбий компетентлигини ривожлантириб бориши, үз мутахассислиги бүйічә малакасини доимий ошириб, жаҳон тажрибаси ва илм-фан янгиликларидан мунтазам равишда хабардор бўлиб боришида бугунги кунда жаҳон таълим соҳасида кенг мұваффакият билан фаолият кўрсатиб келаётган ООК тизими ёрдамга келади. Ана шу омилларни хисобга олган ҳолда, республикамизнинг етакчи олий үкув юртлари томонидан ООКлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишда жаҳон тажрибаси албатта кўл келади.

Педагог касбий компетентлигини электрон таълим мухитида, яъни оммавий очик онлайн курслар имкониятидан фойдаланиб ривожлантиришга самарадорлигининг иккى жиҳатини алохуда ажратиб кўрсатиш мүмкін:

- ижтимоий самарадорлик;
- иктиносидий самарадорлик.

Ижтимоий самарадорлик педагогнинг психологик ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқади ва фикримизча куйидагиларда намоён бўлади:

1. Танлаш имкониятининг мавжудлиги. Замонавий таълим тизимида компетентли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу педагогга танлаш имкониятини яратишдан иборатdir.

2. “Стресс” ҳолатларнинг минималлашувига эришиш. Педагог оилаславрасидан ва ўз жамоасидан ажralмаган ҳолда таълимни ташкил килиши мумкин, бунда жараён ортиқча коғозбозликлардан холи эканлиги.

3. Вактни самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади ва вактни тўғри таксимлай олиш кўнімалари шакллантирилади. ОООКлар ёрдамида педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, профессор-ўқитувчи ўз вакт ресурслари ва имкониятларидан келиб чиқиб, хафталик ва ойлик дарс мидорини ва графигини ўзи мустақил белгилайди.

4. Мутахассислик фанларига доир ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини излашга доир муаммолар бартараф этилади. ОООК орқали, жаҳоннинг етакчи университетлари таникли профессор-ўқитувчиларининг аудио, видео ва визуал материаллари ўзлаштирилади.

5. Профессор-ўқитувчининг ўз-ўзини баҳолаш, ўз билим, малака ва кўнімаларини таъкослаш имконияти яратилади. Юқори даражадаги компетентликнинг ички мезонлари шакллантирилади.

Умуман олганда электрон мухит орқали профессор-ўқитувчининг компетентлигини оширишнинг иктиносидий жиҳатлари турли жабхаларда намоён бўлади. Профессор-ўқитувчининг таълим жараёнидан ажralган ҳолда малака ошириш курсларида таълим олишини иктиносидий таҳлилини кўриб чиқишига харакат киламиз. Унда мавжуд малака ошириш тизимларига таянамиз. Таҳлилини педагог малакасини оширишга сарфланадиган харажатларнинг асосийларини ажратиб олишдан бошлаймиз:

- Педагогнинг таълим муассасасида сакланиб қолган бир ойлик иш ҳаки, ўртача 1500, минг сўм;
- Педагогнинг хизмат сафарида транспорт харажати, 100,0 минг сўм;
- Педагогнинг малака ошириш даврида бир тингловчи учун давлат томонидан килинадиган харажат, 2450,0 минг сўм.

Ҳисоблаш ишларини бир олий таълим муассаси мисолида кўриб чиқамиз. Масалан, Наманган давлат университетида 487 та профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади. Малака ошириш талаблари буйича ҳар бир педагог ҳар 3 йилда малака ошириш курсларидан ўтиши лозим. Демак ўрта ҳисобда ҳар йили камида 33 % педагоглар малака оширишлари лозим. Бу миқдор бир йилда ўртача 161 кишини ташкил этади. Қабул килинган бошлангич маълумотлар асосида иктиносидий самарадорликни ҳисоблаймиз.

#### 4.1.2-жадвал.

#### **Мавжуд малака ошириш курсларида педагогнинг қасбий компетентлигини ривожлантириш учун қилинадиган молиявий сарф харажатлар.**

№	Сарф харажатлар	Битта педагогга сарфланадиган харажатлар, минг сўм	Кўрсатгичлар	Умумий сарф харажатлар, минг сўм
1	Мехнатга ҳак тўлаш	3000,0	161 киши	483000,0
2	Хизмат сафарига бориш учун транспорт харажати	100,0	161,0	16100,0
3	Малака ошириш курсида ўкиш харажатлари	2450,0	217500,0	217500,0
<b>ЖАМИ</b>		<b>5550</b>		<b>716600</b>

Хозирги мавжуд малака ошириш курсларига педагогларни малакасини ошириш мақсадида битта институт миқёсида (461 та профессор-ўқитувчининг 33 %, яъни 150 киши жалб килинганда) бир йилга 716600,0 минг сўмни ташкил этади (4.1.2-жадвал). Битта педагог учун бу миқдор 5550,0 минг сўмни ташкил этади.

Хозирги мавжуд малака ошириш курсларига педагогларнинг малакасини ошириш максадида битта институт микёсида (450 та профессор ўқитувчининг 33 %, яъни 150 киши жалб килинганда) бир йилга **716600,0 минг сўмни ташкил** этади (4.1.2-жадвал). Битта педагог учун бу микдор **4550,0 минг сўмни ташкил** этади. Битта олий таълим муассасаси (Наманган давлат университети) учун бир йиллик малака ошириш умуний сарф харажатлар микдори:

$$\Sigma C_{\text{мо}} = C_1 + C_2 + C_3 + \dots + C_n = 716600,0 \text{ минг сўм.}$$

Битта педагогнинг малакасини ошириш учун сарфланадиган харажатлар

$$\Sigma C_{\text{пел}} = 5550,0 \text{ минг сўмни ташкил} \text{ этади.}$$

#### 4.1.3-жадвал.

#### ОООК асосида касбий компетентликни ривожлантириш учун килинадиган харажатлари

№	Сарф харажатлар	Битта недагогтасарфла надиган харажатлар, минг сўм	Курсатти члар	Умумий сарф харажатлар .минг сўм
1	Коммуникациялар(интернет, телеграмм ва х.к.)	110,0	2 ой	220,0
2	Сертификат олиш учун тўлов	400,0	1 та сертификат	400,0
2	Экспертларга ҳак тўлаш	100	7 кишилик комиссия	100
<b>Жами</b>				<b>720</b>

Малака оширишнинг замонавий услубларидан бири, ОООК да фойдаланиб малака ошириш ташкил этилса, сарфланадиган харажатлар курсатгичларини куйидаги йўналишларда карашимиз лозим бўлади:

1. Ахборот коммуникациялардан фойдаланиш харажатлар Албаттa бу йўналишда интернет ресурсларидан кенг фойдаланишга тўғ' келади ва бунинг учун тегишли харажатлар қилинади.

2. ОООК асосида касбий компетентликни ошириш курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи сертификатни олиш учун килинадиган сарф-харажатлар(бу харажатлар ўртача сарфи 45-50 АҚШ доллари миқдорида);

3. ОООК асосида малакасини оширган педагогнинг касбий компетентлигини баҳолаш учун эксперталар гурухини тузиш лозим. Зеро ОООКнинг камчилкларидан бири компетентликни тўғридан-тўғри курс якуни бўйича баҳолаш анча мураккаб. Эксперталар гурухига олий таълим муассасаси вакилларидан ташқари, вазирлик вакиллари ва (буюртмачиларни) ишлаб чикариш вакилларини хам киритиш мумкин. Бу жараён биз тавсия этаётган моделнинг охирги якунловчи босқичини ташкил этади (4.1.2-жадвал). Оммавий очик онлайн курслар (ОООК) асосида малака ошириш ташкил этиб, уларни аттестациядан ўтказиш(20 кишидан иборат тингловчилар гурухи)га кетадиган сарф харажатлар битта институт миқёсида (450та профессор-ўқитувчининг 33 % жалб қилингандан) бир йилда **108720,0 минг сўмга тўғри** келмоқда. Битта педагог учун бу миқдор **720,0 минг сўмни** ташкил этади.

Умумий сарф харажатлар миқдори:  $\Sigma C_{ооок} = 108720,0$  минг сўм.

Битта педагогга сарфланадиган харажатлар  $\Sigma C_{пед2} = 720,0$  минг сўмни ташкил этади. У холда ОООК асосида касбий компетентликни ривожлантириш асосида бир йилда битта олий ўқув юртида иктисад қилинадиган маблагни аниқлаймиз.

**Иктисад қилинадиган умумий сарф харажатлар миқдори:**

$$\mathcal{E}_1 = \Sigma C_{МОи} - \Sigma C_{ооок} = 716600 - 108720 = 607880,0 \text{ минг сўм.}$$

**Битта педагогга сарфланадиган харажатларни иктисади:**

$$\mathcal{E}_2 = \Sigma C_{пед1} - \Sigma C_{пед2} = 5550,0 - 720,0 = 4830,0 \text{ минг сўм.}$$

Юқоридаги сарф харажатлар келтирилган жадвалларни қиёсий баҳоласак олий таълим муассасасида ОООК асосида касбий компетентликни ривожлантириш ижтимоий психологик самарадорликни хисобга олмагандা, фақат иктисадий жиҳатдан 7,7 маротаба самаралигини кўриш мумкин.

**4.2. Хорижий тилларни ўқитишда касбий компетентлик ва электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлиги (КДПИ, факультетлараро чет тиллар кафедрасининг фаолияти мисолида).**

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори сабабли чет тилларини, айникса, инглиз тилини ўрганиш — давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки ушбу қарор халқ таълими ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим доирасида улкан ислоҳотлар олиб борилишига туртки бўлди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор чикарилган қарор ва буйруклар ҳам фикримизнинг айни далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” тўғрисидаги 124-сонли қарори ҳамда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган ҳалкаро месъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) республикамиз таълим соҳасига жорий қилинди. Шунингдек, 2014 йил 17 июлдаги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 281-сонли “Олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тили бўлмаган профессор-ўқитувчиларини чет (инглиз, немис, француз ва испан) тиллари бўйича билим, қўнікма ва малакаларни шакллантириш дастури (минимал талаблар)”ни тасдиклаш тўғрисидаги буйруғи асосида институтимизда 3 та модулдан иборат малака ошириш курси ташкил этилди: 1) Илк босқич 2) Қўйи таянч босқич 3) Мустакил бошланғич босқич.

Ушбу 3 та модул асосида институтимизнинг турли соҳада таълим берувчи педагог-ходимлари билан “Факультетлараро чет тилилар” кафедрасининг етакчи педагог-ходимлари амалий машғулотлар олиб бормокдалар.

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган, яъни “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ №2909-қарори доирасыда Мукимий номидаги Күкон давлат педагогика инсититути Чет тиллар факультети Факультетлараро чет тиллар кафедрасыда катор ишлар олиб борилмоқда.

Кафедра жамоаси ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида кафедра чора-тадбирлар режасини ишлаб чиккан. Ушбу режа асосидаги белгиланған ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Яъни ишчи дастурлар ва ўкув-услубий мажмуалар қайтадан, янги замонавий педагогик технологияларни құллаган ҳолда тузиб чикилди.

Шунингдек, педагог кадрларнинг касб маҳорати ва сифатини узлуксиз юксалтириш мақсадида, ҳар ўкув йилида кафедра педагог-ходимлари республикамизда ташкил этилған малака ошириш курсларида таҳсил олиб қайтмоқдалар.

### **Онлайн тизимида Аптис тестларини топшириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш**

Кафедранинг педагог-ходимлари хорижда яъни Буюк Британияда малака ошириш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишиган. Шу максадда, 2017 йилнинг ноябрьда кафедранинг 15 нафар ўқитувчиси онлайн режимида Буюк Британия Консулигиги томонидан жорий этилған “Аптис” тест имтихонини топширдилар. Ушбу онлайн тест имтихон бир неча тил күникмаларида (speaking, writing, listening, reading, grammar and vocabulary) ўз ичига олган. Имтихондан муваффакиятли ўтган кафедра аъзолари кишки таътилда “Аптис” амалий курсларида иштирок этдилар.

Кафедрамиз педагог-ходимлари илмий тадқиқотларни олиб бориш асносида, электрон таълим воситалари оркали Web of Science, Scopus ва Google Scholar сайтларига кириб, у ердаги диссертациялар билан танишиб бормоқдалар. Кафедра педагог-ходимлари күплаб хорижий анжуманларда

(онлайн анжуманлар шулар жумласидан), илмий журналларда рус, инглиз ва немис тилларидаги макола ва тезислар чоп этиб келмоқдалар. Жумладан, Россия Федерациясининг “Молодой учёный”, “Интернаука” ва Украинанинг “iScience” илмий журналларида мунтазам маколалар чоп этирилиб келинмоқда.

Кафедранинг асосий муаммоларидан бири бу — ҳар бир йұналиш учун, сохага оид инглиз тилидан дарслык (бунинг ичига электрон дарслерлер ҳам киради) ва үкув, үкув-услубий күлланмалар яратылады.

Шу кунга кадар үнлаб дарслык, үкув ва үкув-услубий күлланмалар яратылды. Лекин айнан электрон таълим мухитида хорижий тилни үзлаштириш учун электрон дарслык яратылмади.

Харакатлар стратегияси даврида кафедра жамоаси томонидан 2021 йилға кадар институттегі барча йұналишлари учун үкув-услубий күлланмалар яратып режалаштырылған. Ушбу күлланмаларда сохага оид матндар, луғат ва мавзуни мустаҳкамлаш учун машқ ва топшириклар ўрин олади. Бундай китоблар “ESP (English for specific purpose) English books” деб аталади. Айнан шу йұналишлардаги үкув-услубий күлланмаларимиз етишмаёттәнлиги учун ушбу ишга киришилди.

### **АКТ воситасида якуний назоратларнинг үтказилиши**

Институтимиз раҳбарияти томонидан бир неча йиллардан бері чет тиллари (инглиз ва немис) ва АКТдан якуний назоратлар тест синовлари асосида (махсус жиддий назорат остида) қабул килинмоқда.

Бунинг учун ҳар семестр якунида ҳар бир курс учун үтилған мавзуулар доирасида кафедра аъзолари томонидан 1000-1500 та тест институт АРМининг тестлар базасига киритилади. Ушбу АКТ воситасида олинаётган тестлар орқали талабанинг билимини баҳолашда шаффоффликка эришилмоқда. Лекин бунда ҳам тұлық мақсаддага эришилгани йўқ.

Кафедра педагог-ходимлари турли йұналишдаги талабаларга иккинчи тил сифатида инглиз ва немис тилларини үргатиб келмокдалар. Дарслар асосан анъанавий таълим бериш усулида олиб борилади.

Хозирги кунда ўқитувчи ва талабаларнинг күпчилигида смартфонлар ва шахсий ноутбуклар бор бўлиб, улардан дарс мобайнида (айрим истиносолар билан) фойдаланиш мумкин. Лекин интернет тизимининг институт микёсида (wi-fi шаклида) тўлик ишламаслиги, чет тили дарслари доимий равишда АҚТ аудиторияларида ўтказилмаслиги сабаб, Blended learning, яъни аралаш таълим тизимиға ўтишга хозирча тўлик эришилгани йўқ. Бирок дарсларни off-line режимида ўтказиш имкони бор. Баъзи ҳолларда, амалий машғулотлар ўтказиш пайтлари талабалар билан маълумотлар алмашинуви *share it* ёки *telegram*<sup>22</sup> воситалари оркали амалга оширилади. Лекин талабалар билан ишлаш вактида интернет тармоғи оркали маълумотларни намойиш этиш ва талабаларни онлайн баҳолаб бориш малакаси бизнинг кафедра педагог-ўқитувчилари учун хозирча янгиликдир. Бугунги кунда Blended learning таълим технологиясидан фойдаланиш республиканинг кўплаб ОТМларида муаммо бўлганидек, бизнинг институтда ҳам ушбу таълим тизими мукаммал даражага етгани йўқ.

### **Хорижий тилларни ўқитишида компетентлик масаласи хорижий олимлар талкинида ва АҚТдан фойдаланиш**

Хорижий тил ўқитувчининг компетентлиги биргина билим ва малака билан етарли бўлмайди, ундан мураккаб психологик ва ижтимоий масалаларни бартараф эта олиш қобилияти ҳамда дунёдаги мураккаб ўзгаришларга тайёр турадиган кенг масштабдаги компетенцияларни ўзида шакллантирган инсон бўлиш талаб этилади.

Маҳоратли ўқитувчиларнинг таълим бериш малакалари ва бир умр ўрганиб бориш компетенциялари қуидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

<sup>22</sup> Telegram воситаси бугунги кунда Blended learning таълим технологиясидан фойдаланишда катта имконият яратмоқда десак, хато кильмаган бўламиш. Бирок бу восита ҳам доимий равишида смартфонларнинг интернет тизимида фаол бўлишини такозо этади. Бу дегани ГБ ва МБ ларнинг сарфланишига сабаб бўлади. Шуниси маълумки, талабада ҳар доим ҳам онлайнда бўлиб туриш имкони йўқ.

- мураккаб педагогик бурч ва вазифаларни намоён этиш;
- яхши нутқка эга бўлиш, ҳам маънан ҳам жисмонан соғлом бўлиш, катъиятли ва бағрикенг инсон бўлиш;
- ёш авлод билан ишлашга майиллик ва лаёкатли бўлиш, яхши муносабатга кириша оладиган, кузатувчанлик маҳоратлари, тактика, ёркин тасаввур ҳамда етакчилик қобилияtlарига эга бўлиши<sup>23</sup>.

Хорижий тил ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда бир қанча таснифланишлар мавжуд. Услубшунос олим Л.А. Зимняя қуидаги таснифларни киритган<sup>24</sup>:

**Ижтимоий-маданий компетенция:**

- крос-маданий алока;
- она тили ва хорижий тиллар маданиятини ўрганишда тил ва нутк тараққиёти.

**Шахснинг ўз-ӯзини яхши томонга ўзгартириши ва ўз-ӯзини ривожлантириши:**

- ўз-ӯзини яхши томонга ўзгартириш, ӯзини-ӯзи идора қилиш ва ўз-ӯзини ривожлантириш;
- шахсий фаоллик ва мулоҳазакорлик.

**Ахборот технологиялардаги билим ва тажриба:**

- компьютерда ишлаш бўйича етакчи бўлиш ва зарур маълумотни тезлиқда топиш ҳамда ўзлаштириш;
- хорижий тил ўқитувчиларининг таълимий когнитив фаолиятларидаги замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишлари.

Юкоридаги фикрларнинг давоми сифатида хорижий олим Майк Сакер<sup>25</sup> ҳам тил ўрганишда АҚТдан фойдаланишни афзал кўриб, онлайн ва юзма-юз

<sup>23</sup> Shmelev A.G. Psychodiagnosis of personnel characteristics. Saint-Peterburg, 2002. /Olga Nessipbayeva. The competencies of the modern teacher. Candidate of Pedagogical Sciences, Docent at Suleyman Demirel University Almaty, Kazakhstan [Olga\\_Nessip@mail.ru](mailto:Olga_Nessip@mail.ru). Part 2: Pre-Service and In-Service Teacher Training.

<sup>24</sup> B.Toshboeva. Professional competence of English language teachers in Uzbekistan (e-article). Senior teacher of Andijan State University).

<sup>25</sup> Mike Thacker, "Online Language and Reflective Learning" [www.llas.ac.uk/resources/paper](http://www.llas.ac.uk/resources/paper).

бошқарув усулларида, яъни Blended learning таълим технологияси бўйича тадкикот ўтказди. Натижа шуни кўрсатдики, 78% тил ўрганувчилар Blended learning таълим технологиясини маъқулладилар ва бу тизимни кўллаб-куватладилар. 63% тил ўрганувчилар онлайнда ўрганиш уларга анча самарали бўлганлигини айтишган. 60% тил ўрганувчилар эса мустакил ўрганишдаги имкониятларни, тил ўрганишни назорат килишни ва аввал ўрганган материалларини кайта тақоролаш самарали бўлганлигини маъқуллаганлар.

Халқаро тажрибалардан хам маълум бўлиб турибдики, хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганишда электрон таълимнинг ўрни бекиёс. Ушбу таълим тил ўргатувчининг ўз компетенциясини мунтазам ошириб боришида фойдали восита вазифасини ўтаса, тил ўрганувчининг катта маълумотлар базасидан ихтиёрий танлов асосида тилни ўзлаштириб боришига катта ёрдам беради.

**ОТМда хорижий тилларни иккинчи чет тили сифатида электрон  
(online) таълим воситасида ўрганиш  
(ижобий ва салбий жиҳатлари хамда муаммолар)**

**4.2. 1-жадвал**

<b>ИЖОБИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	<b>САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	<b>МУАММОЛАР</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>хорижий тилларни билиш компетенцияларини ўстиришда чет тилидаги тайёр (нуфузли халқаро олийгоҳлар ташкил этган курсларни масофадан турив ўқиш имконияти бор, курс охирида сертификат берилади) ОООКлардан фойдаланиш(edX,</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>ОООКларни якунлаган юкори савияли мутахассислар “овланади”;</li> <li>мамлакатга фойдаси тегиши мумкин бўлган етакчи мутахассисларга катта пул ваъда килиниб, ҳамкорликда ишлаш тавсия этилади ёки курс ташкилотчилари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>ушбу курсларга рўйхатдан ўтишда кийинчиликлар мавжуд, шунингдек, курс сўнггида сертификат бериш учун маълум сумма талаб этилади. Кўпчилик талабалар моддий томонига келганда курсдан воз кечади;</li> <li>ушбу сертификатларни</li> </ul>

<p>Coursera, Khanacademy)мумкин.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ООКлардаги ўкув курслардан фойдаланган холда чет тилида ўтиладиган махсус фанлар талабаларга мустакил иши сифатида берилиши мумкин.</li> <li>• оммавийлик, яъни курс тингловчилари сони чексиз</li> <li>• очиклик, яъни истаган одамга, унга кулагай жойда ва вактда билимларни бепул тақдим этади</li> <li>• курслар яхлит, яъни курсларда нафакат ўкув материал парчалари, балки амалий машгулотлар, коммуникация, олингандар билимларни назорат килувчи материиллар ҳам ўрин олган</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўз ОТМларига таклиф этади; саводли, камёб мутахассисларни бой бериш эҳтимоли мавжуд.</li> <li>• мустакил ишни ташкил килиш учун ООКни кўллаш бугунги кунда катор факторлар билан чекланган: барча тилдаги ООКларнинг йўклиги; мавзулар бўйича нотекис таҳсимланганлиги, масалан, техник, иктисодий, табиий-илмий йўналишдаги курслар гуманитарга нисбатан кўпроқ; ўкув режалари билан ООК нинг бошланиш муддати мос келмаслиги.</li> </ul>	<p>олган тинловчи, агар олий маълумотга эга бўлмаса, давлат ташкилотларига ишга жойлашишида муаммоларга учраши мумкин;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• оммавий онлайн таълимнинг ривожланишига бир катор омиллар тўскинлик килмоқда – улар орасида тингловчиларнинг ўкишга бўлган паст мотивацияси, турли мамлакатлар таълим тизимларида фарклар борлигига, чунки қўпчилик ООКлар инглиз тилида ишлаб чикилган, ООКни олий таълим дастурларига киритиб қўйиш механизмлари йўклиги; иш берувчилар ва бошқа ўкув муассасалар учун аҳамиятлилиги аниқ бўлмаган таълим олганликни тасдиқловчи хужжат йўклиги ва хоказо.</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• YouTube видеолари хорижий тилларни ўқитишида сўз бойлиги, акцент, талаффуз, товуш модуляцияси ва тилнинг бошқа кўплаб бўлимларини</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• инглиз тили фонетикаси ва грамматикаси ҳамда сўзлашув бўйича ташкил килинган видео дарсларнинг кўплари тилнинг барча масалаларига</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• YouTube видеоларидан хорижий тилларни ўрганишида текин ва эркин фойдаланиш учун ОТМда wi-fi зоналарнинг ишланиши тулиқ</li> </ul>

такомиллаштириш учун кўлланилиши мумкин. YouTubени чет тилини ўқитишида кўллашнинг яккол устунлиги оддий одамлар томонидан ишлатиладиган кундалик чет тилининг асл намуналарини тақдим этишидир.	жавоб беролмайди. Унда қўйилган видео дарсларни олиб борадиганларнинг кўпларида савия юкори эмас ва маънавий олами менталитетимизга умуман ёт.	таъминланмаганлиги
--	--	--------------------

#### **4.3. Биология фанини ўқитишида компетенциявий ёндашувлар ва электрон таълим мухитидан фойдаланиш**

Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда талабалар — замонавий таълим жараёнининг фаол субъектлари хисобланиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари маълум мавзу бўйича назарий ва амалий билимларни чукур ўзлаштириш имконини беради. *Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим* – ўқувчи ва талабаларда эгалланган билим, қўнирма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Биология фани ўқитувчиси ўз хаётида шахсий, ижтимоий, иктисадий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг мухими ўз соҳаси, касби бўйича ракобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим. Таълимда ҳар бир ўкув фанини ўзлаштириш жараённада ўқувчи ва талабаларда шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиккан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Мамлакатимизда таълимнинг узлуксизлиги ва бу баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиккан ҳолда, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва ОТМда ўқитиладиган фанлар мазмунининг изчилигини таъминлаш мақсадида таянч компетенциялар ҳамда ҳар бир

ўкув фани мазмунидан келиб чиккан холда хусусий компетенциялар белгиланди.

Бинобарин, биология фанини ўқитишда күйидаги хусусий компетенциялар шакллантирилиши кўзда тутилган.

Демак, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим, ўқувчи ва талабаларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, ташаббускорлик, медиа ресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиши, онги равишда касб-хунар танлаш, соглом рақобат қила олиши маҳоратини ҳамда умуммаданий қўникмаларни шакллантиради.

#### 4.3. 1-жадвал.

#### Биология фанини ўқитиш жараёнидаги хусусий компетенциялар

ХУСУСИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР	
➤	Биологик обьектларни таниш, уларда борадиган жараёнларни тушуниш ва изохлаш компетенцияси.
➤	Биологик обьектларда борадиган жараёнларни кузатиш, тажрибалар ўтказиш ва холосалаш компетенцияси.
➤	Соглом турмуш тарзи ва экология компетенция.

#### Мактабда компетенциявий ёндашув (дарсдан ташқари мустақил таълим)

Бугунги кунда мактаб амалиётида биология фанидан ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий жараённинг дарслар ва улар билан боғлик бўлган экскурсиялар, уй ишлари, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар каби шаклларидан самарали фойдаланилмоқда.

Мустақил ишлар уй вазифаларига нисбатан мураккаброқ бўлиб, уларни бажариш учун тегишли ўсимликлар, маҳсус асбоблар ва бошқа жихозлар талаб қилинади. Дарсдан ташқари мустақил ишларга: биология хонасидаги, тирик табиат бурчагидаги, ўкув тажриба участкасидаги ва очик табиатдаги ишлар киради. Биология фанига ихтисослашган кабинет ва тирик табиат

бурчагида ўтказиладиган амалий ишлар учун ўкувчиликтарга барча мавзулар бўйича топшириклар йил давомида бериб борилади.

Ўкувчиликтарниг ўкув-тажриба участкасидаги ёзги топширикларниг натижалари хам барча синфлар бўйича кузда ўтказиладиган дарсларда фойдаланилади. Дарсдан ташқари ишлар мажбурийдир ва бунинг учун ўкувчиликтар баҳоладилар.

Мустакил ишларниг зурурлиги шундан иборатки, ўсимликлар ва ҳайвонлар устида олиб бориладиган кўпгина узок муддатли кузатишлар ўкув жадвалига сигмайди. Ҳар бир ўкувчи йил давомида бир ёки иккита дарсдан ташқари иш олиб боради, уларниг бажарилишига ўқитувчи баҳо қўяди.

Мазмунига кўра дарсдан ташқари бериладиган ишлар уйдаги тажрибаларга яқин ҳисобланади. Дарсдан ташқари ишларниг уй ишларидан, фарқи шундаки, улар синфда ўрганишдан бир неча кун, хафта ва хатто бир неча ой илгари берилади. Масалан, куз фаслида ўсимликлар ҳаётида рўй берадиган ўзгаришлар, гул фазаси, баргларда органик моддаларни хосил бўлиши, поядга моддалар айланиши, учеб кетувчи ва учеб кетувчи кушларни кузатиш, кушларни кўпайиши ва ривожланиши, тут ипак курти ва ҳашаротларни ривожланишини кузатиш кабилар учун дарс машғулотлари учун ажратилган вакт етарли эмас.

Мустакил ишларниг мазмуни дарслар ва лаборатория машғулотлари билан ўтказилиши шарт бўлган амалий ишлар билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилса мақсадга мувофик бўлади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараённида дарсдан ташқари машғулотлар (мустакил ишлар) нинг асосий мақсади ва вазифаси шундан иборатки, ўкувчиликтарни ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иктисолий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларниг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича ракобатбардош кадр бўлиб этишишига эришишdir.

## **Олий таълим тизимида компетенциявий ёндашув**

Олий таълим тизимини кайта шакллантириш вақтида табиий фанларда, айникса, биология фани профессор-ўқитувчилари олдида бир қанча муаммолар пайдо бўлмоқда, бу эса мутахассислар орасида долзарб ва баҳсли мавзу хисобланади.

Абитуриентларнинг базавий билимларининг пастлиги ва бакалавриатда ўқиётган талабаларнинг ўқишга бўлган кизикиши пасайғанлиги ўқитувчилар олдида таълим стандартларида кўрсатилган компетенцияларни йиғишини шакллантиришдек мураккаб масала турибди. Шунингдек, бир катор фанларни ўрганишда ўкув режадаги соатларнинг камайиб кетди.

Ушу масалани ҳал килиш йўлларидан бири, мос келадиган ўкув моделини танлашдир. Бу моделни амалга ошириш шартлари бўйича мос келувчи мақсадли гурухга максимал даражада якин бўлиши шарт ҳамда таълимий дастурларни методик-ресурсли таъминотини оптималаштиришдир.


Хозирги кунда компетенцияли ёндашув нафакат олий таълимнинг конун соҳасига ўрнашиб қолган, балки олий таълим муассасаларининг локал норматив ҳужжатларини (умуман таълимий дастурларни ишлаб чиқишдан бошлаб, алоҳида фанлар бўйича бирор-бир йўналишнинг ишчи дастурларигача қамраб олган.

Замонавий педагогик технологиялар ва турли хилдаги ўкув моделларни кўллаш профессор-ўқитувчилар ва ўкув жараёнини режалаштирувчилар учун кенг имкониятлар яратади. Мисол учун, бир томондан ўкув жараёнини талабаларнинг сонидан катъий назар регламентлаштириш ва чуқурлаштиришга олиб келса, бошқа томондан эса таълимда тингловчиларга индивидуал йўналиш беришга имкон яратади.

Дарсни электрон тарзда ўтиш карори қабул қилинган тақдирда, олий таълим муассасасининг дастури, олинадиган билим тури ва даражасига караб мос келувчи ўкув модели танланиши зарур бўлади. Бунга ойдинлик киритишга **Blended Learning** комбинациялашган ўкув модели мос келади. У одатий ўкув жараёнини ўзида шакллантирган бўлиб, талабага индивидуал таъсир кўрсатиш билан бир каторда электрон ўкув жараёнининг арzon ва кулагилиги таъминлайди.

**Blended Learning** таълим технологияси кўпчилик учун оммавий очик онлайн курс (MOOC (инглизча) ОООК) билан боғликлиги билан ажралиб туради. ОООКлар коннекционизм (connectionism) принципига асосланган бўлиб, бунда таълим олиш ва ўрганиш холат сифатида эмас, балки жараён сифатида кабул килинади. Маълумки ОООКлар ўзида *видеоклиптар, тестлар, машқлар, бошқа ўқув ва бошқарув материалларни* ўзида мужассамлаштиради. Кучли техник ва технологик кузатув, таникли ОТМлардан юкори даражадаги ўқув материаллар ва улардан кўпчилик фойдалана олиши ОООКни замон талабига мос ва оммабоп курслар жамланмасига айлантирди, бироқ айрим платформаларда бепул таълим олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, янги АКТларни кидириш ва эскиларини ривожлантириб, улардан фойдаланишга мажбур бўлинмокда.

Базавий тоифаларни аниклаш масаласини ечиш учун Иsicава (балик склети деб хам аталади) диаграммаси<sup>26</sup> тузилган, бу диаграмма ўкув жараёнларини ўрганишда олинадиган натижалар ва натижаларга эришишга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғликлекни кўрсатади.



**3.1.1-расм. Талабаларнинг билим даражасини ошириш учун тузилган К.Иsicава диаграммаси.**

<sup>26</sup>Ушбу диаграммага япон олими, Токио профессори Каору Иsicава томонидан 1960 йилларда Япония Кавасаки кемасозлигининг бошқарув сифатини таъминлаш максадида яратилган. Маълумот учун каранг: [https://en.m.wikipedia.org/wiki/Ishikawa\\_diagram](https://en.m.wikipedia.org/wiki/Ishikawa_diagram)

Ушбу балиқ склети диаграммасини тузишда умумтабиий фанлардан ўзлаштириш даражасига таъсир этувчи базавий тоифалар белгиланиб олинган.

#### 4.3. 2-жадвал.

### БАЗАВИЙ ТОИФАЛАР ТАВСИФИ

#### БАЗАВИЙ ТОИФАЛАР

- таълим олувчи;
- профессор-ўқитувчи;
- амалиётчи (тажриба ишларини ўтиш учун кафедранинг экспериментал базаси);
- ўкув материаллар билан таъминланганлик;
- ташкиллаштирув-методик ресурслар;
- ўкув жараёнини техник ва технологик кўллаб қувватлаш

Кўриниб турибдики, ўкув жараёнига технология соҳасидаги кўп кўрсаткичлар ва инсон омили таъсир кўрсатади. Эътибор берилса, бунда профессор ўқитувчи бир қанча вазифаларни бажарувчи шахс сифатида якқол кўзга ташланади. Профессор-ўқитувчи бу ерда бевосита электрон ўкув-услубий мажмуани ишлаб чиқувчи ва курснинг маъмурӣ бошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Анъанавий ва электрон таълим олиш орасидаги мувозанат юкоридаги диаграммада келтирилган базавий тоифаларга боғлик бўлади (базавий тоифалар жадвалига қаранг). Бу ҳолда асосий максад ишончли кўрсаткичларни кидириб, уларни йўналиш (мутахассислик) ўкув дастури асосига киритиш мумкин бўлади. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараённада биология фанини ўқитишнинг самарадорлиги ўқитишнинг дарс, дарсдан ва синф ёки аудиториядан ташқари ишлар, экскурсиялар каби шаклларини узвий равишда, улар ўртасидаги мантикий боғланишларни эътиборга олган ҳолда ташкил этилишига боғлиқдир.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлар асосида шуни айтиб ўтиш жоизки, олий таълим муассасаларидағи биология фанини ўқитишда электрон маълумотлар жамланмасини яратиш бўйича олиб борилаётган изланишлар стандартларга, талабаларнинг ўзлаштирганлик даражасига ижобий таъсир этувчи омиллар ва тоифаларга асосланиши лозим.

#### **4.4. Ахборот коммуникация технологияларини ўқитишида касбий компетентлик ва инновациялар**

Мамлакатимизнинг таълим тизимида ҳам ўзига хос янгиликлар кириб келмоқда. Таълим тизимини технологиялаштириш, таълим самарадорлигини янада ошириш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган янги инновацион технологияларни кўллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Инновацион технологияларни тезда қабул қилиш, уларни таҳлил этиб назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулоса чиқариш ҳамда талабага етказиб бериш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни ривожлантириш назарий асосларини танкидий кўриб чикиш, таълим жараёнига нисбатан самараали ёндашувни амалга ошириш ҳисобига эришилади. Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув тарбия жараёнини янги ўқув услубий муаммолар, илгор ахборот коммуникация технологиялар билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим жараёнининг моддий техник базаси етарли эмаслиги, тажрибали юкори малакага эга бўлган педагогик кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув услубий ва илмий адабиётларнинг камлиги, таълим тизими фан ва ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик алокадорлигининг йўклиги, кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидағи жиддий камчиликлар қаторига кириши айтиб ўтилган. Илгор ахборот коммуникация технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш орқали илм фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чикиш, илгор ахборот ва педагогик технологияларни амалга ошириш учун тажриба майдончалари барпо этиш орқали эса илмий тадқиқотлар натижаларини таълим тарбия жараёнига ўз вактида жорий этиш механизmlарини рӯёбга чиқариш, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар

тармоклари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бориши белгилаб қўйилган. Ахборот коммуникация технологияларни ўқитишда касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишдан ташқари, яъна ҳар бир мустакил йўналиш бўйича бошқа билимлар ва харакатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни мукаммал ўрганишни, муҳим талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни кайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни такозо этади.

Бугунги ахборотлашган, технологиялар жадал суръатлар билан ўсиб бораётган замонда таълим, тарбия соҳасида замонавий ахборот технологияларини, электрон дастурий воситаларни тўғри қўллаш шахснинг мукаммал шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- фаннинг барча соҳаларини ахборотлаштиришни;
- ўкув фаолиятни интеллектуаллаштиришни;
- интеграция жараёнларини чукурлаштиришни;

- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини тақомиллаштиришга олиб келади. Бунинг натижасида талабанинг касбий билимларни пухта эгаллашига, ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасининг чукур ўзлаштирилишига, ўкув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши хисобига талабанинг мустакил фаолиятини кенгайишига, ўрганилаётган жараён ва ходисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талabalарда фан асосларига кизикишни ва фаолликни оширишга олиб келади.

Юкорида кайд килиб ўтилган ўқитишнинг илгор ахборот технологиялари билан биргаликда яна ўйинли ўқитиш, компьютерли ўқитиш, фаол ўқитиш технологиялари ҳам мавжудки, улар тавсифланган илгор ахборот ва педагогик технологиялар билан боғлиқликда шахсга

йўналтирилган технологиялар деб аталади ҳамда қуидаги функцияларни бажаришга амалий ёрдам кўрсатади:

- талабага инсонпарварлик нуктаи назаридан ёндашиш, улар шахсини хурмат килиш, улар ўкув манфаатининг устиворлигини таъминлашга эришиш;
- ҳамкорликда ўкиш, демократия, тенглик, ўзаро хурматни йўлга қўйиш, орқали ўкувчи шахсини яхлит шакллантиришни амалга ошириш;
- талабани, ўкув – тарбия ишларининг обьекти эмас, балки субъекти сифатида тан олган холда фаолият самарадорлигини оширишни йўлга қўйиш;
- ҳар бир талабанинг кобилиятли инсон деб билиб унинг истеъодини рӯёбга чиқаришга ёрдамлашиш;
- ҳамма вакт ўкувчининг мустақиллиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш;
- ўкувчи шахсининг индивидуаллиги серкирралигини амалда исботлай олиш, унинг имкониятларини очиб беришга қўмаклашишдан иборат.

Бундай ёндашув талабани ўкув жараён марказига қўйиб, уни ривожлантиришга, табиий имкониятларини рӯёбга чиқаришга ва шу асосида унинг фаоллигини оширишга шарт-шароит яратади. Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш жуда муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу технологиялар ёрдамида машғулотларни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш ҳамда таълим олувчиларнинг диккатини жалб этишда кенг фойдаланиш мумкин. Таълим берувчи техника воситалари, яъни компьютерлар, электрон дарсликлар, интернет тизими ва бошка воситалар ўкув ахборотини ўзлаштирилиши керак бўлган маълумотларни таълим олувчиларга етказибберувчи техник воситалардир. Ахборот берувчи техника воситаларига турии электромеханик асбоблар, машғулотда кўргазмали тасвиirlарни кўрсатишга мўлжалланган электрон доскалар, шунингдек, телевизор, видеопроектор, смартфон мобил алоқа воситалари, товушли мультимедиа технологиялари ва бошка воситалар

киради. Электрон педагогик дастурлар – компьютер технологиялари ёрдамида ўкув жараёнини кисман ёки тұлық автоматлаштириш учун мүлжалланған дидактик восита хисобланади. Улар таълим жараёнини самарадорлигини оширишнинг шаклларидан бири бўлиб, бугунги кунда замонавий технологияларнинг ўқитиш воситаси сифатида таълим жараённида ишлатилмоқда.

**Ахборот коммуникацион технологияни ўқитишда инновацион имкониятлари (виртуал лабораториялар, анимацион дастурлар ва бошқалар).** Ўкув жараёнига ахборот технологияларини жорий килмасдан, янги ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда таълим методикаси билан бөглиқ бошка инновациялардан фойдаланмасдан туриб, олий мактаб олдида турган вазифаларни муваффакиятли ҳал қилиб бўлмайди. Шундан келиб чикиб, ўкув жараёнини интенсификациялаш муаммоларини ҳал килиш турли хил усуслар ва касбий компетентлик ёндашувларни излаш ва улардан унумли фойдаланишни такозо этади. Замонавий дидактик талабларни, айниқса, аник фанлар бўйича, автоматлаштирилган ўқитиш тизимларининг техник имкониятлари ҳамда компьютерлардан фойдаланган ҳолда муваффакиятли амалга ошириш мумкин.

Компьютерда ўргатувчи дастурлар ва бевосита ўрганилаётгаш дастурларни чукуррок англашга, асосий эътиборини ўрганилаётган дастурий таъминотга қаратишга ёрдам беради, билим ва малакаларни ривожлантириш олинган билимларни амалда кўллаш воситаси сифатида намоён булади.

АКТ таълим мининг мақсади ўкувчиларни замонавий ахборот коммуникацион технологиялар асослари ва атрофимиздаги оламни чукуррои билиш билан таништиришдан иборат. Бу борада, объектив сабабларга кўр ўрганилиши кийин бўлган куйидаги бўлим ва мавзулар алоҳида ўрин тутади:

- маълумотларни визуал кузатиш имкони бўлмаган жараёнлар в ходисаларни ўқитиш;

- оғзаки тушунтирилганды кийин кабул килинадиган, мавхұм фикрлаш ва уни талаб килувчи, модель тасаввурлардан фойдаланиб осон тушунтириш мүмкін бўлган мавзуулар;

- маҳсус курилмаларни ишлашни ўрганишлар.

АКТ ўқитишида мавзууларни чуқур ўзлаштириш учун ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

**Анимацион дастурлар.** Масалан интернеттада маълумотлар алмашиш мавзуси бўйича ишлаб чиқилган анимациялар эшигилган назарий материални 2-3 дақиқада кўргазмали намойиш килинади. Кўз билан кўриши мүмкін бўлмаган ахборот алмашиш жараён ҳаракатини кўрсатиш билан назарий материал мустахкамланади. Ахборот алмашиш жараёнларни талабалар компьютер экранидаги, рангли тасвирида, маърузачининг овозли шарҳлаши билан бирга динамик ривожланишини кўрадилар. Анимациялар албатта ўқитувчининг тушунтириши, изохидан кейин берилади, чунки бусиз улар зарур таълими, ривожлантирувчи ва тарбиявий вазифани бажара олмайдилар.

**Виртуал лабораториялар.** Виртуаллик — (лот. virtualis эҳтимолий, мүмкін бўлган) - реал мавжуд бўлмаган, аммо маълум шароитларда юзага келиши мүмкін бўлган обьект ёки ҳолат. Лаборатория сўзи лотинча laborate сўзидан олинган, “ишламок” маъносини англатади. Кўпинча маҳсус жиҳозлар ва ўзига хос шароитларда тадқиқотлар, тахлиллар ва экспериментлар амалга ошириладиган хонани шундай аташади. Лекин шу билан биргаликда, лаборатория таълим беришнинг шаклларидан биридир.

Виртуал лабораториялар электрон –таълими мухитда реал ҳаётый обьектлар хатти-харакатини моделлаштириб, ўкувчи ва талабаларга асосан физика, кимё, биология, математика, геометрия, информатика каби илмий-табиий фанлардан янги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишга имкон беради. Виртуал лаборатория термини остида физика фанини ўқитиш жараённада лаборатория машғулотларида лаборатория конун-коидаларини бажариш учун зарур бўлган компьютер ахборотлари жамланмаси

тушунилади. Internet технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган холатларни ўзгартириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашинишида намоён бўлди. Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Ахборот коммуникация технологияларни ўқитишда касбий компетентлик ва инновациялар танлашда ўқитувчининг энг биринчи вазифаси мавзуни ўзлаштириш савияси, талабалар билим даражаси, билиш қобилияти турлича эканлигини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун хар бир мавзу учун мос келадиган алоҳида технологияни танлаб ўқитишга харакат килинади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш мухандислик институти “Ахборот технологиялари” кафедрасида таълим тарбия жараёнини замонавий ахборот коммуникация ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш асосида амалга оширишга эътибор қаратиб келинмоқда. Бўлажак мухандислар учун ўз фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда жараёнларни автоматлаштириш ва инновацияларни тадбик этиш мухим хисобланади. Шунинг учун хар бир мавзунинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолатда ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни танлаб ўқитишга харакат килинмоқда. Кафедрада бугунги кунда барча амалий ва лаборатория дарслар компьютер синфларда ва маъruzаларда видео проектор ҳамда электрон доскалар билан ўтилишидан ташкири ўкув жараёнида “Аклий хужум”, “Бўш звено”, “Нилуфар гули”, “Кластер”, “Нима учун”, “Балик склети”, “Асалари уяси” каби замонавий педагогик технологиялар кўлланиб келинмоқда.

## ХУЛОСА

Касбий компетентлик масалалари, айни пайтдаги педагогика, психология, социология ва менежмент соҳасида фаолият юритаётган тадқикотчиларнинг диккат марказидаги масалалардан бири булиб келмоқда. Уларнинг фикрларини умумлаштирган холда касбий компетентлик асосининг ўзига хос моделини таклиф этиш мумкин. Тавсия этилган моделда келтирилган параметрларни ўрганган холда, улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ва бир-бирини тўлдириш хусусиятлари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан турли шарт-шароитларга мослаша олиш, бир вактнинг ўзида, замон талабларини тўғри англаш ва карор кабул килиш билан боғлиқдир. Касбий компетентликни электрон таълим муҳитида ривожлантириш зарурияти биричидан, энг аввало таълим хизматлари бозори нафакат миллий даражада балки жаҳон миқёсида рақобатнинг тобора кучайиб бораётганлиги, иккинчидан таълим жараёнини таълим олувчиларнинг эҳтиёжи, имконияти, билим даражаси ва уларнинг таълим олиши вактини мустакил белгилашига мослашиб бораётганлиги, учинчидан касбий компетентликнинг ошириш масаласи таълим сифати билан бевосита алокадорлиги, тўртингидан таълим олувчиларга дунёвий билимларни бериш, зарурий малака ва кўнікмаларни эгаллашида педагог ва раҳбар ходимларнинг маъсулиятининг ошиб бориши, бешинчидан ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни ахборот технологиялари воситасида тақдим этиш – таълим олувчиларда қизикиш ва фаолликни ошириш воситаси саналиши ва бошқа бир катор омиллар билан изохланмоқда.

Электрон таълим олиш бир катор устунликларга эга: таълимнинг барча учун очиклиги, материалларни ўзлаштириш суръатларини мустакил белгилаш, индивидуал таълим траекториясини куриш имконияти, таълим берувчи педагогнинг индивидуал маслаҳатларини олиш имконияти, телеконференциялар ташкил этиш ва тематик вебинарлар, гурухий мунозаралар, гурухий лойиҳаларда қатнашиш имконияти ва бошқалар.

Электрон таълим дастакларининг хилма-хиллигига карамай, у таълим жараённида қўллаш педагогларнинг юкори даражадаги малакаси, яъ таълим жараёнини ташкил этиш ва бошкаришда зарур хисобланган электр таълим мухитида ишлай олиш компетенцияси, фан доирасида компетенцияси, талабалар ва бошка таълим олувчиларни ўқитиш учун зар хисобланган бошка компетенциялар ва электрон таълим беришни технологияларини қўллаш компетенцияларига мукаммал тарзда э бўлинганда энг юкори самарани беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хозирда мавжуд “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конунида электрон таълим олиш борасида муносабатлар ойдинлаштирилмаган. Таккослаш учун Rossiya Federasiyasining “Rossiya Federasiyasida taъlim tўғрисида”ги Конунда ё масалага ойдинлик киритилади. Ушбу Конуннинг 16-моддасига кў “Электрон таълим олиш деб, маълумотлар базасида мавжуд ва таъли дастурларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотлар, уни кайт ишлаш имкониятини берувчи технологиялар ва техник воситалар, шунингде белгиланган ахборотни етказиб берувчи ахборот-телеқоммуникацио тизимларини қўллаш орқали таълим олувчилар ва педагогик ходимларни ўзаро хамкорлигини ташкил этиш тушунилади” деб таъриф берилади<sup>27</sup>.

Замонавий тенденциялар шуни қўрсатмоқдаки, жаҳон таълим тизимида мавжуд интеграция жараёнлари глобал электрон таълимга бўлган эҳтиёжн тобора ошиб боришини қўрсатмоқда. Таълим хизматларига бўлга эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлиги, таълим жараёнининг шахс йўналтирилганлик тамойилининг устивор даражада амал килишини, ҳамда таълим аҳолининг кенг катламларига етказилишини талаб килади. Бу борада ОООКларнинг аҳамияти тобора ортиб боришини таъкидлаш ўринидир.

Олий таълим тизимида таълим сифатини онлайн ўкув курсларини ташкил этишни ва бу орқали касбий компетентликни таъминлаш, биринчи

<sup>27</sup>Федеральный закон «Об образовании в Российской Федерации» 0-13. – Москва: Проспект, 2014. – 160 с.

навбатда олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси, молиявий ахволи, мавжуд хўжалик шартномалари, маблагли илмий лойиҳалар, мавжуд АКТ таъминоти, ахборот ресурслари, электрон таълим воситаларига боғлик. Бу жараёнда педагогларнинг касбий малакалари, билим савиялари, салоҳияти ва талабанинг ўзлаштириши, сифат кўрсаткичлари, мутахассис даражасида хосил килган кўнилмалари, эгаллаган касби ва истеъмолчилар томонидан мутахассисга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши ҳам масаланинг мухим жиҳатларидан биридир. Шунингдек, истеъмолчининг (иш берувчи) мутахассис сифатига қўядиган талаб ва таклифларининг инобатга олиниши ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Ахборот қабул қилувчилар (ота-оналар, ёшлар, талабалар ва барча омма) соҳта янгиликлар, пропаганда, миш-мишлар, шов-шуввлар, сатира ва турли хил реклама хабарларининг доимий хужуми таъсирида бўлган ҳозирги вазиятда, аниқ далилларга асосланган ишончли ахборотни уйдирмалардан ажратиш борган сари мураккаблашиб бормоқда. Бу эса таълим муассасалари педагог ходимлари касбий компетенциясига бўлган талаб мезонларининг янада юқори даражага қўтарилишини талаб этади.

Миллий таълим тизимида ОООКларнинг кенг миқёсда жорий этилиши таълим хизматлари бозоридаги ракобат мухитини янада кучайишига, таълим хизматлари сифатининг ортишига, таълим хизматларидан фойдаланувчиларнинг кўлами кенгайишига олиб келади. Шу боис таълим муассасаларида электрон мухит орқали таълим беришни доимий рағбатлантириб бориш, етарли даражадаги моддий-техник база билан таъминланишини талаб этади. ОООКларни жорий этишда энг аввало маркетинг тадқикотларини амалга ошириш, истеъмолчилар талабларини ўрганиш, имконияти чегараланган фойдаланувчилар талабларини эътиборга олиш зарур бўлади.

Blended Learning таълим технологиясини ташкил килишда ОТМ профессор-Ўқитувчиси аудиториянинг ҳолати, ўрганувчининг истак-хоҳиши ва моддий техник базанинг қай даражада эканлигини инобатга олиши зарур.

Бу таълим тизимини бошқаришда касбий компетентлик жуда мухимdir. Электрон таълим тизимида касбий компетентликка эга бўлган профессор-ўқитувчидан, аввало:

- ўз фанининг чукур билимдони бўлиши;
- АКТдан эркин фойдалана олиши;
- рус тили ва инглиз тилларини яхши билиши;
- Blended Learning таълим технологияси моделларини яхши ўзлаштирган бўлиши;
- моделлар бўйича аниқ, пухта ўкув режа ва дастур тузган бўлиши;
- ўзининг электрон почтаси, смарт мобил телефони ёки компьютер орқали телеграмда мунтазам фаол бўлиши;
- талабаларга онлайн топширик берганда мунтазам кузатиб, текшириб, баҳолаб бориши;
- аудиторияда интернет тармоғи ишлаб турган бўлса, дарснинг ўзидаёқ тезлик билан топшириқ ва вазифаларни бериб, уларни онлайн баҳолашни уддасидан чиқа олиши талаб этилади.

## ТАКЛИФЛАР

Профессор-ўқитувчиларнинг электрон таълим мухитида касбий компетентлигини ошириш борасида кўйидаги ишларни алоҳида таъкидлаш лозим деб хисоблаймиз:

1. Таълим сифатини ошириш максадида профессор-ўқитувчиларнинг ахборот коммуникацион технологиялардан, хорижий тиллардан ва бошка маҳсус фанлардан профессионал билим даражаси ва тажрибасини узлуксиз ошириб бориши.

2. Илгор хорижий университетларнинг электрон таълимни ривожлантириш борасидаги тажрибасини доимий ўрганиб бориш, тажрибаларини ўрганиш асосида фанлар бўйича замонавий ўкув режа, фандастурлари ва уларга мос ўкув-услубий мажмуалар тайёрлаш.

3. Ўқитилаётган мутахассислик фанларидан ташкил этилган “on-line” курсларини киёсий таҳлилини амалга ошириш ва талабаларни улар билан таништириб бориш .

4. Таълим жараёнини АҚТ ёрдамида такомиллаштириш, назарий билимларни бойитиш, амалий билимларни чукурлаштириш ҳамда лойиҳалар ва грантларда ишлай олиш қобилиятига эга бўлиш, гурух бўлиб ишлаш кўнкимаси ва лидерлик сифатларининг шакллантирилиши.

Фикримизча, сўнгги пайтдаги таълим хизматлари бозоридаги тенденцияларни эътиборга олган холда, “электрон таълим”, “электрон таълим мухити”, “электрон таълим олиш” ва бошқа шу билан боғлиқ тушунчаларга хукукий ойдинлик киритиш зарурияти пайдо бўлди.

Шунингдек, электрон таълим воситаларининг мазмуни ва сифатини муайян мезонлар асосида тартибга солиш, яъни берилаётган ахборотларнинг ҳаққонийлиги, турли хил ёт ғоялардан холи бўлиши, миллий кадриятлар ва анъаналарни кўзда тутишини белгиловчи низомлар, йўрикномалар ва тартиблар ишлаб чиқиши лозим.

Электрон таълим мухитида ОООКларни тақдим этаётган ОТМларнинг умумий рейтингини аниклаш ва уларни оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган ОООКлар ўртасида танловлар ташкил этиш, улардан энг яхшиларини танлаб олиш ва таълим жараённида кенг қўллаш таълим сифати самарадолигини оширишга хизмат киласи.

Blended learning ва масофавий таълим технологиялари бўйича ўқитувчи ва талабалар кўйидаги имкониятларга эга бўлишлари мумкин:

1. Ўқитувчи бунда таълим самарадорлигига эришади ва талабанинг ҳам кенг қамровли билим олишига ёрдам беради.

2. Таълим олувчидаги вакт ва пулни тежашлик билан бирга индивидуал холда таълим олиш имконияти бор бўлади.

3. Таълим олиш ресурсларига бирин-кетин етиб бориб, ўзаро мулокот ва хамкорликда таълим олиш имконияти мавжуд.

4. Талаба бунда юкори даражада банд булиши кутилади, ўқитувчи билан онлайн мулокотга киришиш имконига ҳам эга бўлади.

5. Масофавий таълимнинг юкори даражада йўлга қўйилиши оркали таълим оловчиларда исталган манзилда туриб сифатли ва қўплаб маълумотларни олиш имконияти бўлади.

6. Таълим оловчида бепул Оммавий Очик Онлайн Курсларда таҳсил олиб, сертификатларга эга бўлиш имкони бор.

7. Имконияти чекланган ўкувчи ва талабаларнинг масофадан туриб таҳсил олишида электрон таълимнинг ўрни юкоридир.

ОТМларда иқтисодий фанларни электрон таълим мухитида ўқитишни такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни таклиф этамиз:

- иқтисодий фан бўйича ООКларни ташкил этишда жаҳонда етакчи мамлакатлар тажрибасига таяниш;

- талабалар мустақил ишларини ташкил этишда электрон таълим мухити имкониятларидан фойдаланиш;

- иқтисодий фанлар юзасидан ООКларнинг сифатини ошириш максадида кўрик танловлар ташкил этиш;

ОТМларда хорижий тилларни электрон таълим доирасида ўқитишда ва ЖН, ОН ва ЯНларни олишда қуйидагиларнинг амалга оширилишини таклиф киламиз:

- тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан факатгина бир семестрда ўтилган мавзулар бўйича аник, пухта ва турли шаклдаги тестларни тузиш, АРМ базасига топширишдан аввал уларни жиддий таҳирдан ўтказилиши;

- АРМга топширилган тестлар АКТ масъуллари томонидан, аввало, жавобларнинг турли варианлари шакллантирилгандан сўнг базага киритилишини сифатли таъминланиши;

- Blended learning таълим технологиясидан амалий ва мустакил машғулотларда кенг масштабда фойдаланиш учун ОТМларда wi-fi зоналарини сифатли ташкил килиш максадга мувофиқ бўларди.

Биология фанини ўқитишдаги куйидаги 6 та хусусий компетенцияни амалга тадбик килиш максадга мувофиқдир:

- биологик обьектларда борадиган жараёнларни тушуниш ва изоҳлаш;

- биологик обьектлардаги жараёнларни кузатиш, тажрибалар ўtkазиш ва хуносалаш;

- соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция;

- ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш ва жиддий киёсий таҳлиллаш компетенциясига эга бўлиш;

- АКТ воситасида биологияга оид электрон дарслик, ўкув ва ўкув-услубий кўлланмалар ишлаб чикиш компетенциялари;

- янги инновацион технологияларни фанга олиб кириш компетенциялари.

Шунингдек, таълим муассасасини аник шароитларидан келиб чиккан ҳолда, юкорида кўрсатилган умумтабиий фанлардан ўзлаштириш даражасига таъсир этувчи базавий тоифаларни оммавий татбик килиш ҳам муҳимдир.

ОТМ микёсида очик электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш (Blended learning ва масофавий таълим) бўйича илмий-услубий анжуманларни ташкиллаштириш ва профессор-ўқитувчилар мустакил ишларни ташкиллаштириш максадида талабаларнинг Интернет глобал тармоғидан кенг фойдаланишларига мотивация беришлари мумкин.

Үкитувчининг касбий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида доктор Киймет Селвининг 9 та компонентини таълим жараёнинга жорий килиш каби масалалар таклиф сифатида кабул килиниши мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. №9.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. “Баркамол авлод-Ўзбекистон тарақкиётининг пойдевори” китобидан. – Тошкент.: Шарқ, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 351-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ги 371-сонли қарори.
7. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2001 йил 29 августда “Олий таълим муассасаси ички назорат ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рӯёбга чиқаришнинг мониторингини амалга ошириш тўғрисида” ги 207-сонли бўйруғи.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида “Электрон таълим” миллий тизимини яратиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ-1740-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июнданги ПҚ-1989-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги “Иктисодиётнинг реал секторида ахборот-коммуникаци технологияларини янада жорий этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2158-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги тўғрисида»ги ПФ-4702-сон фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080 Фармони.
13. Мирзиёев Ш.М. Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташки ишлар вазирлари кенгashi 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутки. Тошкент оқшоми газетаси. 2016 йил 19 октябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида қўрсатилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2017 йил, 23 декабр.
17. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон,

18. Бегимқұлов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари мухитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004.
19. Бегимқұлов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007. – Б.3
20. Вафоев Б.Р., Ибрагимова С.Б. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув-услубий кўлланма. – Т.: ЎзДЖТИ, 2015. – 190 б.
21. Мирсолиева М.М. “ОТМда ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш”. Модул. Т.: БИММ, 2015.
22. Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем/LAP LAMBERT Academic Publishing, Germany. 228 с.
23. Хамидов В.С. Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур хакида. <http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bolgan-4-dastur-haqida/>
24. Хамидов В.С. Эркин ва очик кодли LMS тизимлар тахлили, infocom.uz журнали №7,8. 14 бет, 2013 й.
25. Ҳамдамов Р.Х. Макофадан ўқитиш тизимларини яратишдаги юзага келадиган муаммолар ҳакида. “Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари”. Республика илмий-техник конференциясининг материаллари. Тошкент. 6-7 апрел 2006 й.
26. András Benedek.György Molnár. Development of Teacher Competencies in a New Learning Environment in Higher Education. ICCGI 2012 : The Seventh International Multi-Conference on Computing in the Global Information Technology
27. Diaz, D. P., Cartnal, R. B. (1999). Students' learning styles in tow classes; online distance learning and equivalent on-campus. College Teaching, v. 47.
28. DiSalvio, .(2007). Revising Workload, Promotion and Tenure Policies for online faculty.Available

29. Dolan, K. (2008). Comparing Modes of Instruction: The Relative Efficacy of On-Line and In-Person Teaching for Student Learning.
30. Ivan Perry B. Mercado. Relationship of the Online English Teachers' Competencies to Selected Variables: Implications to Online English Teaching. Centro Escolar University Makati Campus, Philippines. American International Journal of Contemporary Research Vol. 3 No. 12; December 2013.
31. Johnson, S. D., Aragon, S. R., Shaik, N., and Palma-Rivas, N. (1999). Comparative analysis of online vs. face-to-face instruction. (ERIC Document No. ED 448 722)
32. Mike Thacker, "Online Language and Reflective Learning"  
[www.llas.ac.uk/resources/paper](http://www.llas.ac.uk/resources/paper).
33. Maria Liakopoulou (Researcher). The Professional Competence of Teachers: Which qualities, attitudes, skills and knowledge contribute to a teacher's effectiveness? Aristotle University of Thessaloniki. Makedonomaxon 53, Halastra Thessaloniki, 57 300. GREECE. International Journal of Humanities and Social Science. Vol. 1 No. 21 [Special Issue - December 2011]
34. Nessipbayeva O. The competencies of the modern teacher. Candidate of Pedagogical Sciences, Docent at Suleyman Demirel University Almaty, Kazakhstan [Olga\\_Nessip@mail.ru](mailto:Olga_Nessip@mail.ru). Part 2: Pre-Service and In-Service Teacher Training.
35. Shmelev, A. G. Psychodiagnosis of personnel characteristics. Saint-Peterburg, 2002.
36. Valentina Arkorful. Nelly Abaidoo. The role of e-learning, the advantages and disadvantages of its adoption in higher education. International Journal of Education and Research. Vol. 2 No. 12 December 2014

### Электрон ресурслар

37. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
38. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
39. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
40. [www.bilim.uz](http://www.bilim.uz)

41. <http://elearning.zn.uz/>
42. mooc.edu.uz
43. <https://www.coursera.org/>
44. <https://www.khanacademy.org>
45. <https://www.udemy.com>
46. <http://sifat2016.ulcraft.com/>
47. <http://ziyonet.uz>
48. <http://dr-sharipov.com/>
49. [http://www.natlib.uz/](http://www.natlib.uz)
50. <http://www.princeton.edu/WebMedia/lectures/>
51. <http://ocp.hul.harvard.edu/>, <http://www.extension.harvard.edu/openlearning/>
52. [http://www.intuit.ru/](http://www.intuit.ru)
53. <http://www.eric.ed.gov/>
54. <http://www.thegateway.org/>
55. <http://www.cnx.org>

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>		<b>6-12</b>
I БОБ. КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУХИТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....		13-35
1.1. Касбий компетентлик тушунчаси ва унинг электрон таълим мухитида ривожлантириши зарурияти.....		13-20
1.2. Электрон таълим мухитининг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.....		20-27
1.3. Электрон таълим мухитини шакллантиришнинг хукукий асослари.....		27-35
II БОБ. ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУХИТИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКЛАРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....		35-58
2.1. Онлайн ўкув курслари асосида касбий компетентликни ошириш имкониятлари.....		36-41
2.2. Ўзбекистон таълим тизимида онлайн ўкув курсларини ташкил этиш оркали касбий компетентликни таъминлаш.....		42-50
2.3. Профессор-ўқитувчиларнинг онлайн ўкув курсларидан фойдаланиш кўнимкамаларини шакллантириш.....		50-58
III БОБ BLENDED LEARNINGДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....		59-75
3.1. Blended Learning ва касбий компетентлик.....		59-67
3.2. Анъанавий таълим ва электрон таълим (ёки Blended Learning)нинг ўзига хос хусусиятлари хамда уларнинг қиёсий тахлили.....		67-70
3.3. Илғор хорижий тажрибалар оркали касбий компетентликни такомиллаштириш (Blended Learning ва масофавий таълим технологияларининг афзалликлари)...		70-75
IV БОБ. ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУХИТИДА ТУРЛИ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКЛАРИ.....		76-105
4.1. Иктисад соҳасидаги педагог-кадрларнинг электрон таълим мухитида касбий компетентлиги.....		76-86
4.2. Хорижий тилларни ўқитишда касбий компетентлик ва электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлиги.....		87-94
4.3. Биология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар ва электрон таълим мухитидан фойдаланиш.		94-99
4.4. Ахборот коммуникация технологияларини ўқитишда касбий компетентлик ва инновациялар.....		100-105
<b>ХУЛОСА.....</b>		<b>106-112</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>		<b>143-118</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>		<b>124-129</b>

**Хамидов Вохид Собирович**  
**Сирожиддинов Камолиддин Икромиддинович**  
**Умарханов Нурилло Исматуллаевич**  
**Исмоилов Қахрамонжон Абдумүминович**  
**Турсунбоев Ҳамдам Ешбоевич**  
**Абдуллаев Зафар Сайфутдиновичларнинг**

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУХИТИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Институт илмий кенгашининг 2018-йил 29-мартдаги  
8-сонли мажлисида чоп этишга тавсия этилган

**Масъул мухаррир:** Гулчехра Шодмонова  
**Техник мухаррир:** Отабек Хафизов  
**Рассом:** Азиз Инамов

---

Чоп этишга руҳсат этилди: 04.04.2018 й. Формат: 60x84-1/16  
Хажми: 7.25 босма табоқ. 12 нусха. Буюртма №111  
ТИҚҲММИ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, 100000, Кори Ниёзий кӯчаси, 39-уй

